Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

1990 йил 5 август
ЯКШАНБА
№ 177 (4.970).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин

Ғаллаоролдан хушхабар.

ИККИ ҲИССАДАН ЗИЁД

Ғаллаорол райони олтин бошоқ ижодкорлари ишни агротехника талаблари даражасида ташкил этишгани, об-ҳаво қулай келганлиги натижасида 50 минг гектар майдонда мўл ҳосил етиштирдилар. Ўрим-йиғимга пухта ҳозирлик кўрилди. 186 та ғалла ўриш комбайнлари сифатли созланди. Агрегатларнинг бенуқсон ишлашини таъминлаш мақсадида техника қайта-қайта кўриқдан ўтказилди. Барча хўжаликларда вагон-уйлар жиҳозланиб, далаларга чиқарилди. Ғаллакорларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни тўбдан яхшилаш тадбирлари белгиланди.

Ўрим йиғимга уюшқоқлик билан киришилди. Мавсум давомида мусобақа етакчи куч бўлди. Ў ҳар беш кунда якунланиб, илғорлар рағбатлантирилиб борилди. Бу эса ишнинг самарадорлигини оширди. Ғаллачиликда ижара пудрати жуда қўл келаётир. Ижарачилар вақтдан унумли фойдаланиш, кам харажат қилиб мўл ва сифатли ҳосил олиш пайида бўлишмоқда. Бир мисқол ҳам дон ва сомоннинг нобуд бўлишига йўл қўйилмаяпти. Ҳар сўм, ҳар тийин харжи устидан ижарачиларнинг ўзлари назоратчи.

Барча хўжаликларда мавсум бошиданоқ ўрим-йиғим тезкорлик билан олиб борилди. Ҳамма жойда комбайнларнинг бенуқсон ишлашини таъминлаш учун алоҳида созловчилар гуруҳи ишлаб турди. Ўрим-йиғимда Ғафур Ғулом номли, Карл Маркс номли, «Ғаллаорол», «Гулистон» совхозлари ғаллакорлари карвонбошилик қилдилар.

Ғаллакорлар бу йил 45 минг тонна дон етиштириб, унинг 15 минг тоннасини давлатга сотиш, лалмикорликда ҳосилдорликни гектар бошига 8 центнерга етказишга аҳд қилган эдилар. Мавсум ўртасидаёқ бу кўрсаткичга жиддий тузатиш киритилди. Бугунгача режадаги 45 минг тонна ўрнига қарийб 80 минг тонна сара дон етиштирилди, вилоятда биринчи бўлиб йиллик план ортиғи билан уддаланди. Давлатга 15 минг ўрнига 20 минг тоннадан ортиқ сифатли дон етказиб берилди. Ҳосилдорлик ноҳия бўйича ҳар гектар ҳисобига 17 центнерни ташкил этди. Имкониятларни қайта ҳисоблаб чиққан ноҳия ғаллакорлари ялпи дон ишлаб чиқаришни 100 минг тоннага етказишмоқчи. Уларнинг бутун диққат-эътибори сўнгги гектарлар ҳосилини тез ва соз ўриб олишга қаратилган.

Улкан хирмонга Ғафур Ғулом номли, «Ғаллаорол», Карл Маркс номли, «Гулистон» совхозларининг ғаллакорлари муносиб ҳисса қўшдилар. Ғафур Ғулом номли совхоз деҳқонлари режадаги 15 минг ўрнига бугунгача 28 минг тоннадан ортиқ дон етиштиришди. Улар ялпи хирмонни 30 минг тоннага етказишга аҳд қилганлар. Бунинг учун хўжаликда барча имкониятлар мавжуд. 1, 2, 3-бўлимларнинг лалми майдонларида ҳосилдорлик гектар бошига 20 центнерни ташкил этаяпти.

«Ғаллаорол» совхози миришкорлари режадаги 15 минг ўрнига 25 минг тоннадан ортиқ дон етиштириш учун курашмоқдалар. Бугунгача улар уйган дон хирмони 19 минг тоннадан ошди. Хўжаликнинг 1,3-бўлимлари, 1-, 2-наслчилик фермалари ғаллакорлари баҳоларикор майдонларнинг ҳар гектаридан 20—21 центнердан ҳосил қўтардилар. Карл Маркс номли совхоз ғаллакорлари шу кунгача 20 минг тоннадан зиёд дон йиғиштириб олдилар. Йил бошида улар 13.200 тонналик хирмонни кўзлаган эдилар. Ўрими суръати ҳали сусайгани йўқ. «Ёнбоштут», «Саврук», «Чаёнли» ижара жамоалари аъзолари лалми ерларнинг ҳар гектаридан қарийб 22 центнердан дон йиғиштириб олишаяпти. Ўрим-йиғимни тез ва соз якунлаш ташаббуси билан чиққан хўжалик ғаллакорлари мавсумни якунлаш арафасида. Улар бу йил икки ҳисса миқдорда ҳосил олишларига шубҳа йўқ. Хирмонга баракали улуш қўшган «Гулистон» совхози ғаллакорлари ҳам суғорилди ган ғаллазорларнинг ҳар гектаридан 38—40 центнердан, лалми майдонларнинг ҳар гектаридан 22 центнердан ҳосиб олиб, ноҳияда биринчилар қатори мажбуриятларини ошириб адо этишди.

Ноҳия хўжаликларида шундай донгдор механизаторлар борки, уларнинг номларини ҳурмат билан тилга олиш жоиз. Баҳром Бобобеков, Раҳмон Холмирзаев, Мамадиёр Шодиев, Тоғай Бўлтаков, Фаҳриддин Қўчиев, Муҳаммад Обилов, Мустафо Кенжаев, Абдулаҳад Сайдалиев, Турдибек Авалбоев, Омон Мансуров, Умирзоқ Жонзоқов шулар сирасидан. Ўз касбини эъзозлаб меҳнат қилаётган бу комбайнчиларнинг ҳар бири бугунгача 500—550 гектар майдондаги ғаллани саранжомлади. Мавсумнинг қизғин кунларида уларнинг ҳар бири 15—18 гектар майдонни қўлдан чиқаришди.

Икки пландан зиёд дон етиштиришга бел боғлаган ноҳия ғаллакорлари ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш учун баракали ишламоқдалар. Хирмонлар юксалаяпти, жумҳурият колхоз ва совхозларига 6 минг тонна уруғлик дон етказиб берилди.

Сомон майдаланиб чорва қишлайдиган жойларга ташиляпти ва пешма-пеш ғарамланаётир. Бу йил ноҳия меҳнаткашлари икки йилга етадиган, яъни 50 минг ўрнига 100 минг тонна хашак тайёрлашга бел боғлаганлар. Емиш жамғариш даврида барча имкониятлар ишга солинди. Бугунча 80 минг тоннадан ортиқ хашак тайёрланди. Даладаги сомон тўласинча йиғиштириб олинса, 100 минг тоннадан ҳам ортиқ жамғарилиши тайин. Жумҳурият Президентининг «Республика аҳолиси шахсий хўжалигидаги моллар ва паррандаларни ем-хашак билан таъминлаш ҳамда уларда чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш тўғрисида»ги фармонига асосан аҳолига мол емиши сотиш кенг кўламда ташкил этилган. Хўжаликлар ички эҳтиёжларини ҳисобга олиб, Улуғ Ватан уруши иштирокчилари ва боқувчисини йўқотган оиларга бепул хашак беришаяпти. Бугунгача аҳолига 10 минг тоннадан ортиқ озуқа тарқатилди.

1990—1995 йиллар давомида ноҳиядаги барча қишлоқларни газлаштириш, ичимлик суви билан таъминлаш, телефонлаштириш ва бошқа муаммоларни ҳал этиш режалаштирилган. Айни кунларданоқ қишлоқларни газлаштириш, ичимлик суви билан таъминлаш, болалар боғчалари, мактаблар, ҳаммомлар қурилишлари тезкорлик билан олиб борилмоқда. Бу юмушлар айниқса Карл Маркс номли, «Ғаллаорол», «Гулистон», «Соҳибкор», Ғафур Ғулом номли совхозларда жадал олиб борилаётир.

Х. ХУДОЙҚУЛОВ.
«Меҳнат байроғи» ноҳия рўзномасининг муҳаррири.

Жиззах вилоятининг Октябрь районидаги Охунбобоев номли совхозда «Лочин» ижара кооперативи фаолият кўрсатаяпти. Жамоа аъзолари жорий йилда пахтачилик билан шуғулланмоқдалар. Мўл ҳосил ва мўмай даромад олишни кўзлаётган деҳқонлар ғўза парваришини рисоладагидек олиб боришаяпти. Ғўза қатор ораларига ишлов бериш ва суғоришлар ўз вақтида ўтказилди, ниҳоллар маромида маъдан ва маҳаллий ўғитлар билан озиқлантирилди. Пайкалларда ҳосил чўғи зўр. Ҳар туп ниҳоллардаги шиғил-шиғил кўсаклар хирмоннинг баракали бўлишидан далолат бермоқда.

СУРАТДА: звено бошлиғи Тиллабек Искандаров (чапда), механизатор Шокир Зоҳиров ва сувчи Донобой Ёвбосаров.

У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

ОБ-ҲАВО ВА ДЕҲҚОНЧИЛИК

УЗБЕКИСТОН ССР ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ МАРКАЗИДАН

Ўтган ойнинг охирги ўн кунида об-ҳаво ғўзаларнинг ҳосил тўплаши учун қулай келди. Фақат ой поёнида 2—4, республика жанубида 5—6 кун жазирама бўлиб, ҳарорат 39—44 даражага кўтарилди. Жазирама иссиқ ўсимликларни ҳолдан тойдирган бўлса-да, сув таъминоти яхши бўлганлиги туфайли ҳамма жойда ҳосил нишоналари сақлаб қолинди. Фақат Фарғона, Тошкент, Сирдарё областларининг айрим районларидагина ниҳоллларининг чанқаганлиги, ҳосил тугунчаларининг тўкилганлиги кузатилди.

Ўн кун мобайнида ҳар туп ғўзада ўртача 1,7—2,5 тадан, Хоразм областида эса 3,1 тадан кўсак тўпланди. 31 июлга келиб ҳар туп ниҳолдаги кўсаклар сони 3—5 тага, Хоразм, Сурхондарё областларида 5,1—7 тага етдики, бу одатдагидан 0,5—1,5 та кўп. Жиззах, Андижон областларида кўсакларнинг ўртача сони кўп йиллик кўрсаткичга яқин. Бултургига нисбатан ҳар туп ғўзада 1—2, республика жанубида 2,5—3 тадан кўсак кўп шаклланди.

Ўтган ўн кун ичида ғўзани чиппиш оммавий равишда ўтказилди. Бу юмуш ниҳолларнинг бўйи 68—85 сантиметр, Сурхондарёда 95 сантиметр бўлганда амалга оширилди.

Кўчатлар қалинлигини аниқлаш бўйича ўтказилган текширишлар ҳар гектарда ўртача 91—104 минг туп ниҳол борлигини кўрсатмоқда. Сурхондарё, Сирдарё областларида ҳар гектар майдонда 116—120, Жиззах областида 144 минг туп ниҳол борлиги аниқланди. Фарғона, Сирдарё, Бухоро, Тошкент областларининг баъзи жойларида сўрувчи зараркунандалар ҳамда касалликлар тарқалганлиги аниқланди ва уларга қарши кимёвий ишлов берилди.

Бедазорларда учинчи ўрим, пичанни қуритиш ва йиғиштириш давом эттирилди. Ҳосил ўриб олинган майдонлар суғорилиб, озиқлантирилди. Беданинг тўртинчи ўрими яқинлашди. Мева-резавор, сабзавот экинлари ҳосили пишиш давом этди. Бошоқли экинлар ўрим-йиғими ниҳоясига етай деб қолди.

Маккажўхори ҳосили етила бошлади, баъзи жойларда эса батамом пишди. Уни силос ва емиш учун ўриш давом эттирилди.

21—22, 25—27 июль кунлари молларни ўтлатиш учун қулай келди. Бошқа кунларда жазирама ва шамолнинг кучайиши, баъзи жойларда чанг-тўзон кўтарилиши кундузи жониворларнинг ўтлашини қийинлаштирди.

5—7 августда ҳаво бироз булутли бўлиши кутилади, ёғингарчилик бўлмайди. Секундига 7—12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 16—21, кундузи 32—37 даража, 6—7 августда кечаси 18—23 даража, кундузи 34—39 даража бўлади.

Л. КАНУННИКОВА,
агрометеоролог.

ФАЗОВИЙ УЙДА

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 3 август. (ТАСС мухбири В. Хрустов). Бугун «Союз ТМ-10» ва «Мир»нинг ҳар иккала экипажи учун, зеро учишни таъминлаётган мутахассислар учун ҳам масъулиятли кун: транспорт кемаси орбитадаги комплекс билан туташтирилади. Учишни бошқариш марказ катта залдаги бутун маълумотлар оператив тарзда киритиладиган катта экранда юлдуз каби порлаб турган икки «нуқта» — станция билан кема бир-бирига қандай яқинлашаётганлиги кўриниб турибди.

Бир кун олдин Г. Манаков билан Г. Стрекалов кема ичидаги системаларни, унинг бўлмаларни зич ёпилишини текшириб кўрдилар. «Мир» илмий тадқиқот комплексига яқинлашиш учун орбита ўзгартирилди. А. Соловьев билан А. Баландин ҳам ўз «ўринбосарлари» билан учрашишга тайёргарлик кўрдилар.

Мана бугун эрталаб «Союз Т-10» кемаси станция томон парвоз қилди.

— Станцияни кўраяпмиз, — деб ахборот берди Г. Манаков учишни бошқариш марказига. — Тормоз беришни бошлаймиз.

«Вулқонлар» иккала объект ўртасидаги масофани 370 метргача қисқартиб, «Мир» комплексини айланиб учадилар. Сўнгра «Квант» модули томонидан туташтириш узелига яқинлаша бошлайдилар. Яқинлашиш автомат режимда давом этади.

«Союз ТМ-10»даги телекамера ишламоқда. Кеманинг станцияга яқинлашаётганлиги катта экранда яхши кўриниб турибди.

Ниҳоят учишни бошқариш марказининг оператори орзиқиб кутилган хабарни маълум қилади:

— Бир-бирига тегди!

— Механик тарзда туташтирилди!

Учиш раҳбари СССР космонавт учувчиси В. Соловьев ерни навбатдаги айланиб чиқиш чоғида «Квант» модули қопқасини очишга рухсат беради.

«Булоқлар» ва «Вулқонлар» учун ана шу бир ярим соат нақадар секин ўтишини тасаввур этиш қийин эмас. Лекин ана шу вақт туташтирувчи узелнинг зичлигини текшириш учун зарур.

Учишни бошқариш марказининг катта залида ҳозир бўлган япон космонавтлари Риока Кикути билан Акияма Тойёхиро, шунингдек уларга ҳомийлик қилаётган олимлиқорлар, совет ва чет эл журналистлари космик объектларни туташтириш қандай ўтишини кузатиб турдилар.

Бу туташиш қандай таассурот қолдирганлиги тўғрисида ТАСС мухбири берган саволга Риока бундай жавоб қилди:

— У ерда, космик кемада худди ўзим тургандек жуда ҳаяжонландим.

...Зарур назорат операциялари бажарилади. Г. Манаков билан Г. Стрекалов ўтиш қопқасини очадилар ва станцияга сузиб кирадилар. Энди орбитадан телерепортажда тўрт нафар фазогир қатнашмоқда.

«Булоқлар» орбита комплексидаги ишларни бир ҳафта давомида «Вулқонларга» топширадилар. Бундан ташқари биргаликда бир қанча илмий тажрибаларни ўтказадилар.

А. Соловьев билан А. Баландинни Ерга қўндириш 9 август кунига белгиланган.

СССР Министрлар Советида

БОЛАЛИ ОИЛАЛАРГА ДАВЛАТ МАДАДИ

СССР Министрлар Кенгаши бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг қўшимча чоралари тўғрисида қарор қабул қилди.

Илгари амал қилиб келган бола туғилганда унинг нечанчи фарзанд эканлигига қараб бир йўла тўланадиган нафақа ҳамда тўртинчи ва шундан кейинги болалар учун улар беш ёшга тўлгунга қадар кўп болали оилаларга ҳар ойда тўланадиган нафақа ўрнига бола туғилганда энг кам иш ҳақига уч баравар миқдорда бир йўла нафақа беришни жорий этишга қарор қилинди. Агар жами ўртача даромад оила ҳар бир аъзосига энг кам иш ҳақининг икки баравар миқдоридан ошмаса, бир ярим ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларга ҳар бир бола учун энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида ойига бир хил нафақа тўланади.

Шунингдек ёлғиз оналарга ҳар бир бола 16 ёшга тўлгунча (стипендия олмайдиган ўқувчилар 18 ёшга тўлгунча) ҳар ойда тўланадиган давлат нафақасини кўпайтиришга, ажралишган эркакларга ва аёлларга, агар улар мазкур ёшдаги болалар учун алимент олмасалар ёки ойига 20 сўм ва ундан кам алимент олсалар, ота-оналари суд ажрими билан алимент тўлашдан бош тортганлиги учун ички ишлар идоралари томонидан қидирилаётган балоғатга етмаган болаларга — энг кам иш ҳақининг 50 фоизигача миқдорда кўпайтиришга қарор қилинди.

Иш ҳақига район коэффициенти белгиланган районларда ва жойларда яшовчи кишилар учун нафақа миқдори коэффициентни қўлланиб белгиланади. Агар мазкур районда иш ҳақига турлича коэффициентлар амал қилса, у ҳолда халқ хўжалигининг ноишлаб чиқариш тармоқларидаги ишчилар ва хизматчилар иш ҳақига белгилаб қўйилган коэффициентлар қўлланилади.

Мазкур нафақалар 1990 йил 1 декабрдан тўланади.

Қарорда оила аъзосининг жами ўртача даромади ойига 50 сўмдан ошмайдиган оилаларга, Узоқ Шарқ, Сибирь районлари, мамлакатнинг шимолий районларида эса СССР Министрлар Кенгаши белгилаб берадиган рўйхатга мувофиқ — ойига 75 сўмдан ошмаган оилаларга 12 ёшгача бўлган ҳар бир бола учун ҳар ойда бериладиган 12 сўм нафақани жумҳурият даражасидаги норма сифатида сақлаб қолиш кўзда тутилган.

Болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан белгиланган чораларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар бу йил иттифоқ бюджети ва иттифоқдош жумҳуриятлар маблағи ҳисобидан баравар миқдорда бўлади. 1991 йилдан бошлаб тегишли бюджетларни тузатиш чоғида ана шу мутаносиблик ҳисобга олиниши лозим.

ҲОСИЛ МЎЛ, МУАММОЛАР ҲАМ КЎП

Мамлакат ғаллазорларида баракали ҳосил етиштирилди. Буни СССР Министрлар Кенгаши президиумининг 2 август куни бўлиб ўтган мажлисида маъруза қилган Министрлар Кенгаши озиқ-овқат ва харид давлат комиссиясининг раиси В. В. Никитин ҳам тасдиқлади. Дастлабки ҳисобларга кўра, деҳқонлар камида 260 миллион тонна дон ўриб-йиғиб олишлари керак. Кўпдан буён бундай мўл ҳосил етиштирилмаган эди. Бироқ мўл ҳосил катта муаммоларни кам келтириб чиқарди. Қишлоқ меҳнатчилари уни белгиланган муддатда йиғиштириб олишлари қийин. Ўрим-йиғим суръатларининг пасайиши эса ҳар куни икки миллон тонна доннинг нобуд бўлишига олиб боради. Хулласи, даладаги ҳосилни эмас, ўриб-янчиб олинганини, хирмонга тўкилганини ҳисобга олиш керак. Деҳқонлар ғоят аҳиллик билан, вақт билан ҳисоблашмай меҳнат қилаётганларига қарамай, ўрим-йиғим мавсуми улар учун унча кўнгилдагидек бўлмаяпти.

Ҳозирги қийинчиликлар аввало шу билан боғлиқки, шаҳар қишлоққа кўп механизаторларни етказиб бермади. Саноат корхоналарининг раҳбарлари бараварига: «биз хўжалик ҳисоби асосида ишлаяпмиз. Ҳар бир киши ҳисобда» дейишмоқда. Комбайнларнинг 20 фоизи ҳайдовчилар йўқлиги сабабли бекор турибди.

Айниқса сабзавотни йиғиб олишдаги аҳвол оғир. Бу соҳада механизациялаш даражаси атиги 21 фоизни ташкил этади. Агар олдинги йилларда оталиқ ташкилотлари ёрдам берган бўлсалар — мамлакат хўжаликлари далаларида 700 минг шаҳарлик ишлар эди — ҳозир уларнинг сони камайиб 150 минг кишига тушиб қолди. Ҳозир ташвишли хабарлар олинмоқда, хўжаликларнинг раҳбарлари оталиқ ташкилотларининг ёрдамини кутакута, сабзавотни ерга кўшиб ҳайдаб юборишга мажбур бўлмоқдалар. Хўжалик ҳисоби зарур, бунга ҳеч ким шубҳа остига олмайди, лекин шаҳар корхоналарининг раҳбарлари қишлоқ манфаатларини менсмасликлари тўғри эмас. Тор маҳкамачилик нуқтаи-назаридан эмас, балки умумдавлат манфаатлари нуқтаи назаридан қаралса, бу алоҳида муҳим ишдир. Бунинг устига ишчиларнинг ўзлари ҳосилни йиғиштириб олишда иштирок этишга тайёрдирлар, деб таъкидлади СССР Министрлар Кенгашининг раиси Н. И. Рижков яқинда Саратов авиация заводи жамоаси билан учрашган пайтида. Фақат уларни моддий жиҳатдан қизиқтириш керак.

Ҳозирги ўрим-йиғим яна бир нуқсонни очиб ташлади. Элеваторлар, омборлар мўл ғалла ҳосилини қабул қилишга тайёр эмаслиги маълум бўлиб қолди. Шу сабабли донни ташиб кетиш секинлашди. Бунинг устига 20 минг автомобиль етишмаяпти. Тўғри, дон тайёрловчиларга темирйўлчилар ёрдамга келдилар. Улар донни бошқа элеваторларга ташиб қолдилар. Лекин Темир йўл министрлиги жуда зўриқиб ишламоқда. Темир йўл министрининг биринчи ўринбосари В. Н. Гиньконинг гапларига қараганда, донни ташиб олиш учун министрликка яна 20 мингта дон ташийдиган вагон керак. Ҳозир эса цемент, минерал ўғит ташийдиган вагонлар, усти ёпиқ вагонлар дон ташиш учун қайта жиҳозланмоқда. Бу ортиқча харажат, албатта, лекин на илож, ҳосилни сақлаб қолиш керак.

Президиум мажлисида сўзга чиққан Министрлар Кенгаши раисининг ўринбосари В. Гусев, ВЦСПС котиби М. Рижиков, СССР металлургия министри С. В. Колпаков ўрим-йиғим даврида мамлакатда фавқулодда ҳолатни жорий этишни маъқуллаб гапирдилар.

Н. И. Рижков мажлисга якун ясаб, ишни фавқулодда чоралар кўришгача олиб бормаслик керак, деди. Лекин қатъий ҳаракат қилмай бўлмайди. Барча босқичлардаги раҳбарларга нисбатан, уларнинг аҳволи ва лавозими билан ҳисоблашмай, ҳосил тақдирига дахлдор бўлган ҳамма кишиларга нисбатан талабчанликни ошириш лозим. Ўрим-йиғимга қанча зарур бўлса, шунча одамни жалб этиш керак. Жумладан студентларни ҳам жалб қилиш лозим. Бундан бошқа йўл йўқ. Автотранспорт муаммоси ҳам ҳал қилинади. Ташкилотлар ва корхоналар қайси идорага бўйсунишидан қатъий назар улардаги автомашиналарнинг 10—15 фоизини ўрим-йиғимга жўнатиш режалаштирилмоқда. Мудофаа министрлиги мамлакат хўжаликлари учун қўшимча автомашиналар ажратади. Ички ишлар министрлиги, Давлат хавфсизлиги комитети, мудофаа министрлигини қишлоқ хўжалик юкларини ортиш ва туширишга жалб этиш мўлжалланди. Матбуот, радио ва телевидение ҳам ўрим-йиғимнинг боришини назорат остига олиб, камчиликларни очиб ташлаб, қолоқларни танқид қилиб, илғор тажрибаларни оммалаштириб, ҳосилни сақлаб қолишга ўз ҳиссасини қўшиши мумкин. Энг муҳими — етиштирилган ҳосилни биргаликдаги куч-ғайрат билангина йиғиштириб олиш ва сақлаш мумкинлигини унутмаслик керак.

С. ТЕЛЕПНЕВ,
ТАСС мухбири.
Москва.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ПЛЕНУМИ

4 август куни Тошкентда касаба уюшмалари Ўзбекистон кенгашининг пленуми бўлди. Унда ташкилий масала кўриб чиқилди.

Касаба уюшмалари Ўзбекистон кенгашининг раиси Ҳ. А. Алимова бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вазифасидан озод қилинди.

Наманган вилоят партия комитетининг биринчи котиби бўлиб ишлаган Б. А. Алламуродов касаба уюшмалари Ўзбекистон кенгашининг раиси этиб сайланди.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Пленум ишида касаба уюшмалари Бутуниттифоқ марказий кенгаши бўлим мудирининг ўринбосари В. Г. Вилков қатнашди.

(ЎзТАГ).

БАЙРАМГА БАҒИШЛАБ

Ўзбекистон ва бутун минтақа иқтисодиётини олга силжитиш Ўрта Осиё темир йўлининг ишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Темирйўлчилар кунига бағишланган тантанали мажлисда тармоқда ҳал этилаётган вазифалар тўғрисида гапирилди. Бу мажлис 3 август куни Тошкентда бўлди.

Хўжалик юритишнинг янгича системасини қарор топтиришдаги қийинчиликлар, деб таъкидланди мажлисда, темир йўл фаолиятига ҳам таъсир қилмоқда. Лекин юк ҳамда йўловчилар ташийдиган вагонлар, локомотивлар, зарур материаллар етишмай турган мураккаб шароитда ҳам Ўрта Осиё темир йўли жадал суръатда, юқори маромда ишламоқда.

Биринчи ярим йилликда пландан ташқари 1,3 миллион тоннадан кўпроқ юк ортиб жўнатилди. Юк ташиш ҳажми ўтган йилнинг биринчи ярмига нисбатан анча кўпайди. Ўрта Осиё темир йўлида амалга оширилган турқум тадбирлар вагонлар оборотини бир кеча-кундуз жадаллаштириш имконини берди. Ёз фаслида йўловчилар ҳамда юкларни оммавий равишда ташишга тайёргарлик чоғида аввалги йилларда қурилган вагонлар тикланди, рефрижераторларнинг зарур резерви вужудга келтирилди, бир қанча станцияларда рефрижераторларни тайёрлаш ва уларга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ортиш учун қўшимча йўллар ётқизилди. Йўловчилар ташиш ҳажми 11 фоиз кўпайди. Ўнлаб эҳтиёт кассалар ва бу-юртма столлари очилди. Асака станциясидаги вокзал қурилиши, Қаршидаги вокзал реконструкцияси ниҳоясига етказилди. Самарқанд, Термиз ва Наманганда вокзал комплекслари, бир қанча кичик вокзаллар яқинда ишга туширилди. Етакчи Тошкент ва Андижон вагон деполари техникавий жиҳатдан қайта жиҳозланмоқда. Иккинчи йўлларни ётқизиш, темир йўлларни электрлаштириш давом этмоқда. Магистрал меҳнаткашларининг ижтимоий-маиший шароитлари яхшиланмоқда: уй-жойлар фойдаланишга кўплаб топширилмоқда, касалхоналар, болалар боғчалари қурилмоқда, ёрдамчи хўжаликлар мустаҳкамланмоқда.

Бироқ, Ўрта Осиё темир йўлида ижобий силжишлар анча бўлишига қарамай, ҳали ҳал этилмаган кўпгина масалалар бор, юк жўнатувчилар ва уни қабул қилиб олувчилар, йўловчилар темир йўл шаънига асосли таъналар қилишмоқда. Мажлисда халқ хўжалиги юкларини ҳамда аҳолини ташишга бўлган эҳтиёжни ўз вақтида сифатли қилиб тўла-тўкис қондириш муҳимлиги таъкидланди. **(ЎзТАГ).**

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг

ФАРМОНИ

УРТОҚ К. САЛАЙДИНОВАНИ ҲУРМАТ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Болалар ҳаётини сақлаб қолиш чоғида кўрсатган дадил ва тадбиркор ҳаракатлари учун ўртоқ Кумушхон **Салайдинова Ҳурмат** ордени билан мукофотлансин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил, 3 август.

Шу куннинг қаҳрамонлари

СУРХОНДАРЕ ВИЛОЯТИ. Уста пахтакор Жонқобил Ниёзов Шеробод районидаги Усмон Юсупов номли давлат хўжалигида ишлаётганига кўп бўлди. Аммо меҳнати роҳатини ўтган йили, яъни 58 гектар ерни ижарага олиб мўл ҳосил етиштиргандагина билди. Ҳар гектар майдондан 32 центнердан оқ олтин етиштирган бу оилaнинг даромади 37 минг сўмни ташкил этди. Отахон бошлиқ миришкорларнинг бу йилги ниятлари янада улкан: улар ҳосилдорликни 35 центнерданга етказишмоқчи.

СУРАТДА: моҳир ижарачи-пахтакор Жонқобил ота Ниёзов.

И. ХЎЖАЕВ олган сурат. (ЎзТАГ).

Хатирчи районидаги Чкалов номли жамоа хўжалигида илғор сигирсоғар Руқия Темированн каттаю кичик яхши танийди. У жамоанинг энг кенжа аъзоларидан бўлишига қарамай касбига меҳри, ҳалол меҳнати билан ҳурмат қозонмоқда. Руқиянинг бу йилги мақсади — қарамоғидаги 25 бош сигирнинг ҳар биридан 3000 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олиш.

СУРАТДА: илғор сигирсоғар Р. Темирова.

А. ЭЛМУРОДОВ олган сурат.

ҚИШЛОҚҚА ЙЎЛ ОЛИШДИ

Шу кунларда Фарғона вилоятининг қишлоқ йўлларида чиройли транспарантлар осилган автобусни тез-тез учратиш мумкин. Бу Тошлоқ район партия комитети ва «Билим» жамиятининг район бўлими ташкил этган кўчма ташвиқий-бадиий бригададир. У дала шийпонлари ва колхоз қишлоқлари томон йўл олди. Лекторлар, бадиий ҳаваскорлик қатнашчилари қишлоқларда одамлар билан учрашадилар.

Ленин номли колхоз меҳнаткашлари ўз юртдошларини азиз меҳмонлардек кутиб олишди. Орадан бир оз вақт ўтгач, механизаторлар пахта чеканкаси билан машғул бўлган бригадалардан бирининг дала шийпони ўз-ўзидан саҳнага айланиб кетди. Район партия комитетининг лектори С. Қодиров пахтакорларга КПСС XXVIII съездининг иши тўғрисида гапириб берди. Марказий район касалхонасининг шифокори У. Тошбоев «Кўзни жароҳатланишдан қандай асраш керак» мавзусида суҳбат ўтказди.

ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

ИНДОНЕЗИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ЖАКАРТА. **(ТАСС мухбири Алексей Петров).** Индонезия Совет Иттифоқидаги ўзгартишларни табриклайди, бу ўзгартишлар халқаро вазиятда жуда катта туб бурилишлар ясади, деди жумҳурият президенти Сухарто. Совет Иттифоқи, деб таъкидлади у, сайёрамизда кескинликни юмшатишга олиб борадиган тинчтотув яшаш қоидаларига афзаллик бермоқда.

Сухарто СССРнинг Индонезиядаги элчиси В. В. Малигинга ишонч ёрлиқларини топширишга бағишланиб, бу ерда ўтказилган маросимда гапириб, Индонезия билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари мустаҳкамланаётганлигидан мамнуният изҳор этди, деб хабар қилади бугун Индонезиянинг Антара ахборот агентлиги. Мен шу даражада умидбахш ўзгаришлар даврида СССРга бориш имконияти пайдо бўлганлигидан бахтиёрман, деди у. «Бу ташриф, — деб таъкидлади Индонезия давлатининг бошлиғи, — биз айниқса иқтисодиёт ва савдо соҳасида, халқларимиз фаровонлиги йўлида янада қалин муносабатлар ўрнатиб, ўзаро фойдали ҳамкорликни мустаҳкамлай олишимиз ҳусусидаги ишончимни чуқурлаштирди».

А. ГЕНЦ САЙЛАНДИ

БУДАПЕШТ. **(ТАСС мухбири Сергей Иванов).** Венгрия давлат мажлиси сессиясининг бугунги мажлисида давлат бошлиғи сайланди. Илгари мувақкат президент лавозимини эгаллаган Арпад Генц Венгрия Республикасининг президенти лавозимига сайланди. Уни ёқлаб 295 депутат овоз берди, 13 киши қарши чиқди. Давлат бошлиғи лавозимига бошқа номзодлар кўрсатилмади.

Шу бугунок Венгрия Республикасининг президенти Арпад Генц парламент олдида қасамёд қилди.

А. Генц 1922 йилда Будапештда туғилган. 1944 йилда пойтахт университетларидан бирининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган. Антифашистларнинг қаршилик ҳаракатида иштирок этган. Унинг сиёсий фаолияти майда корхона эгаларининг мустақил партиясида бошланди. У мазкур партияда бош котиб лавозимини бажарди, шунингдек партиянинг Будапешт ёшлар ташкилотига бошчилик қилди. Шундан кейин А. Генц «Немзедек» ҳафтаномасининг масъул муҳаррири бўлди. 1948 йилдан бошлаб — аввал ишсиз бўлди, сўнгра ёрдамчи ишчи сифатида ишлади. Геделла шаҳрида аграр фанлар университетининг тўрт курсини тамомлади, 1958 йилда Иштван Бибо устидан суд жараёнида иккинчи даражали айбланувчи сифатида умрбод қамоққа ҳукм қилинди. 6 йил турмада ўтирди. А. Генц озод бўлганидан кейин бадиий ва махсус адабиёт таржимони бўлиб ишлади. Драматург адибнинг асарлари бир қанча мукофотлар билан тақдирланди.

ҚУВАЙТДАГИ ВОҚЕАЛАР

2 август куни кечаси Қувайт ҳудудига бостириб кирган Ироқ қўшинлари, унча узоқ давом этмаган жанглардан сўнг ана шу кичик араб давлати пойтахтини назорат қила бошладилар. Дипломатик манбалардан маълум бўлишича, ўн минглаб аскар, юзлаб танк ва жанговар самолётлар бу мамлакатга бостириб кирган. Дастлабки маълумотларга қараганда, мамлакат истило қилинган биринчи кунда 200 га яқин қувайтлик, шу жумладан амирнинг ҳоким саройини мудофаа қилишда қатнашган укаларидан бири шайх Фахд Ас Сабоҳ ҳам ҳалок бўлган.

Сўнгги маълумотларга кўра, ўтган кеча давомида Қувайт армиясининг асосий казармалари жойлашган Шувайх районида жанглар давом этган. Ироқ авиацияси ва артиллерияси бу районга жуда қаттиқ зарба берган. Рейтер агентлиги маҳаллий аҳолининг айтганларига таяниб хабар қилишича, у ерда истило бошланганидан бери жуда қаттиқ тўқнашувлар бўлмоқда. Соҳил бўйларида ҳам жанглар давом этмоқда, у ерда, кўрган кишиларнинг шоҳидлик беришича, бир неча жанговар машиналар ёнмоқда.

Қувайт телевидениеси бош министрнинг видеоплёнкага ёзиб олинган нутқини берди. Бош министр Ироқ истилосини қоралади ва аҳолини амир Жаббор Ас Сабоҳ бошчилигидаги мамлакат раҳбарияти теварагида жипслашишга чақирди.

Ироқнинг босқинчилик ҳаракати амалда бутун дунёда кескин қораланмоқда. Вашингтоннинг Ироқ ва Қувайтнинг банкларда сақланаётган жамғармаларидан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш хусусидаги қарорига бошқа кўпгина мамлакатлар, шу жумладан Буюк Британия, Франция, Бельгия ҳам қўшилмоқда.

(ТАСС).

Қайта қуриш қирралари

БИР ҚАДАМ ОЛҒАЮ ИККИ ҚАДАМ ОРҚАГАМИ?

Гапни кишига унча хуш ёқмайдиган янгиликдан бошламоқчимиз: Риштон районидаги Алишер Навоий номли совхозда ижарадан воз кечиб, яна бригада пудрати усулида ишлашга ўтишди.

Хўш, нима? Бир қадам ва ҳатто икки қадам орқага ташлашми? Қўлга киритилган ютуқлардан юз ўгиришми? Иқтисодчиларнинг барча далиллари, матбуот саҳифаларида эълон қилинган мақолалар, раҳбар идораларнинг барча қарорлари далаларда бевосита ишлаётган кишилар учун наҳотки ишончли бўлмаса?

— Ижара, албатта, яхши нарса, — дейди КПСС XXVIII съездининг делегати, Ўзбекистон СССРда хизмат кўрсатган пахтакор, бригада бошлиғи А. Иброҳимов, — лекин ҳар бир янги ишда бўлганидек, унинг ҳам салбий жиҳатлари бор. Ўтган йили ўз бригадамизда амалда ижара муносабатларини жорий этдик: ҳамма ерни оилаларга уч гектардан бўлиб бердик. Яхши ҳосил олдик — гектар бошига ўрта ҳисобда 36 центнердан тўғри келди. Лекин мен ўзим етиштирган ҳосилни хоҳлаган еримга, хоҳлаган нархда сота олмасам бу қанақа ижара ўзи? Агар ғалла экканимизда, давлат буюртмасини бажариб бўлгач, пландан ташқари етиштирилган ҳамма ғаллани деҳқонлар бозорга олиб чиқиб сотишлари мумкин эди. Пахтани эса завод олдидаги хирмондан узоққа олиб боролмайсан, давлат эса унга жуда паст ҳақ тўлайди.

Иккинчидан, совхоз ерларини ўзлаштириш учун унча кўп ижарачилар ҳам керак эмас. Қолганлар нима қилишади? Улар ҳам ейишичишни, бола-чақаларини боқишни хоҳлашади. Иш бўлмагандан кейин буни қандай амалга ошириб бўлади?

— Гап шунда-да, — деб уни қувватлайди иқтисодчи Д. Саидов, — агар совхоз ижара пудратида ишлайдиган бўлса, юзлаб аёллар ишсиз қолади. Улар қаерга боришади? Фабрикагами? Бизнинг ҳудудимизда фабрика йўқ. Риштонда тўқимачилик комбинатининг бўлими бор, лекин қизлар иш ўрганиш учун Фарғонага боришлари керак. Ҳамма ота-она ҳам қизини шаҳарга юборардими? Тўғри, бригада пудрати ижарага нисбатан бир қадам орқага ташлаш эканлигини биз тушунамиз... Лекин рўй берган ҳолат билан ҳам ҳисоблашишга мажбурмиз.

Далил-исботлар ишончли кўринади. Лекин, қўшни «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхозида нималар ўйлаб топишганига эътибор беринг. Дарвоқе ўтган йили бу ерда ҳам ижара пудратини жорий этишган, хўжаликнинг рентабеллиги 39 фоизга етган эди. Бу йил уларда ҳам ишчилар ижарадан воз кечишди. Сабаби ўша-ўша — улар қашшоқ оилалар бўлишини хоҳламайдилар.

— Энди биз шундай йўлдан бормоқчимиз, — дейди совхоз директори Д. Каримов. — Оналарга 40 сўмдан пул тўлаймиз. Ҳозир уларнинг фарзандлари болалар боғчаларида тарбияланиши учун шунча пул сарфламоқдамиз. Ана шунда оналар ишга кираман, деб ошиқишмайди, балки болаларининг тарбияси билан бемалол шуғулланишади ва томорқаларида ишлашади. Эркаклар эса совхоз далаларида ишлайверишсин. Бу қарор, энг камида, қўли бўш кишилар сонини икки баравар қисқартиришга кўмаклашади.

Нима ҳам дердик, — бу ҳам ўзига хос йўл албатта... Лекин бу муаммо бартараф этилганини билдирмайди. Муаммо эса қуруқ чақириқлар ўрнига ҳаммани иш билан таъминлаганда, амалий ҳаракатлар бошланиб: қишлоқда янги корхоналар қурилганда ҳал этилади. Ана ўшандагина деҳқонлар ижарага қарши норозилик билдирмайдиган бўладилар.

Р. КАМОЛОВ,
(ЎзТАГ).

Ҳуқуқшунос фикри

МУСТАҚИЛЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ДЕГАНИ

«Мустақиллик» сўзи бугун «бахт» тушунчаси билан оҳанглашмоқда. Тўғри, бир қарашда бу оҳангдошлик ҳақиқатдан анчайин йироққа ўхшайди. Лекин давр, воқелик уларни бирлаштирди. Мустақиллик сабабу оқибати бахт дея талқин этилмоқда. Жумҳуриятимиз сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эга бўларкан, эртанги кунимиз бахтиёрликка юз тутади... Бу— жамланма фикр, албатта.

Маълумки, Ўзбекистон халқаро ҳуқуқ қоидаларига, умумбашарий қадриятларга ва ошкоралик принципларига асосланиб Мустақиллик декларациясини қабул қилди.

ДЕКЛАРАЦИЯ сўзининг ўзбекча маъноси баённома, баёнот, ҳукумат ёки олий орган томонидан эълон қилинган ҳужжат демакдир.

ДЕКЛАРИРОВАТЬ —расмий ва тантанали равишда эълон қилиш маъносини англатади.

Ҳужжатнинг 1-моддасида Ўзбекистон ССРнинг демократик давлат мустақиллиги жумҳуриятнинг ўз ҳудудида барча таркибий қисмлар олиб бориладиган ташқи муносабатлардаги танҳо ҳокимлигидир, дейилган. Бунинг маъноси катта, чунки шунгача Ўзбекистон ССР Конституциясининг 68 моддасида Ўзбекистон ССР — суверен Совет социалистик давлатдир, деб ёзилган бўлсада, бу мустақиллик фақат қоғозда эди.

Декларацияда Ўзбекистон ССРнинг давлат ҳудуди чегараси дахлсиз ва бу ҳудуд халқнинг муҳокамасига қўйилмай туриб, ўзгартирилиши мумкин эмас, дейилади. СССР Конституциясининг 73-моддаси билан бу ҳуқуқни, яъни жумҳуриятлар ўртасидаги чегараларга ўзгартишлар киритиш СССР олий давлат ҳокимияти томонидан амалга ошириларди. Энди эса бу ҳуқуқ республика Олий органи ихтиёрига ўтди.

СССР Конституциясининг 74-моддасида «Иттифоқдош республика қонуни билан умумиттифоқ қонуни ўртасида тафовут бўлиб қолган тақдирда СССР қонуни амал қилади» деган ибора бор. Бу модда декларация қабул қилингандан кейин ўз кучини йўқотди. Сабаби — ҳужжатнинг 4-моддасида «СССР Олий Совети қабул қиладиган қарорлар Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Советида тасдиқлангандан кейингина Ўзбекистон ССР ҳудудида кучга эга бўлади», — дейилган.

7-моддада Ўзбекистон ССР иттифоқдош республикалар ва бошқа давлатлар билан ўзининг сиёсий, иқтисодий, моддий ва бошқа муносабатларини шартномалар асосида белгилайди ва амалга оширади, дейилади. Демак, мустақилликнинг муҳим белгиси қоғозга туширилди. Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари раҳбарларининг биргаликда имзолаган битимлари бунга мисол бўла олади.

Мазкур ҳужжатга кўра Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари мустақил равишда ҳамкорлик қиладилар. Иттифоқ раҳбарлари уларнинг ички ишларига аралашишга ҳақсиздирлар. Энди бу жумҳуриятларда ўзаро шартномалар асосида келишилган нарҳларда бир-бирига маҳсулот бериш ёки уларни ҳорижий мамлакатларга ихтиёрий сотиш ёки сотиб олиш имконияти туғилади. Ҳар қандай шартнома тарафларнинг тенг ҳуқуқийлиги, ихтиёрийлиги ва эркинлигини назарда тутади. Шартномалар имзоланишидан олдин унинг маҳсулот ҳажми ва сифати тўғрисида умумий йиғилишларда ва меҳнат жамоалари кенгашларида пухта кўриб чиқилмоғи шарт. Уларнинг розилигисиз хўжаликда зарар келтирадиган шартномаларни имзолаш мумкин эмас. Шу ўринда ноаниқ давлат буюртмаларини рад этиш ҳуқуқи колхоз ва совхозларнинг яккабошчи раҳбарлари (директор ёки раис)га эмас, меҳнат жамоаларига берилган. Уларгина юқори идораларнинг тазйиқига қарши тура оладилар. Бу ҳолат мустақилликнинг асосий шартларидандир.

Шунингдек, барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш ёки айирбошлаш ҳам сотувчи ва харидор ихтиёрига ўтади. Ҳозирча хўжаликлар фақат давлат буюртмасидан ортиқча маҳсулотнигина четга сотаётир. Бу масала ҳам таҳрирга муҳтож.

Энди хўжалик раҳбарлари Москвадан эмас, шу ернинг ўзидан маҳсулотларга харидор топишлари мумкин. Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгаши ҳузурида ташкил топган ҳом ашё ва енгил саноат маҳсулотлари таъминоти ҳамда уларни сотиш бош бошқармаси «Узглавлегснабсбит»нинг ташкил этилиши ҳамда Ўзбекистон ССР ташқи савдо ва хорижий мамлакатлар билан алоқа давлат комитетининг тузилиши шундай имкониятни яратади. Бу ташкилотлар асосида Ўзбекистон иқтисодий мустақиллиги ва суверен ҳуқуқларини мустаҳкамлашга оид ҳамда жумҳуриятнинг хорижий мамлакатлар билан иқтисодий, савдо-сотиқ, илмий-техникавий ва маданий алоқаларини ривожлантириш кўзда тутилади.

Эндиликда жумҳуриятимизда етиштирилган асосий бойлик — пахтанинг асосий экспортчиси ҳисобланган «Союзпаҳтаэкспорт» билан алоқани мутлақо узиш керак. Ҳозирга қадар пахтакор хўжаликлар, хатто пахта тозалаш заводлари ҳам ўз маҳсулотлари қаерда ва қандай нархда сотилганидан бехабардирлар. Фақат тола сифати келишилганидан паст эканлиги аниқлансагина харидорнинг кимлиги билинади. Чунки деҳқон бўйнига тушаётган жарима ундирилиши керак-да.

Бир мисол. Олтиариқ пахта заводидан шундай маҳсулот Францияга жўнатилгани оқибатида мазкур корхона юз минг йигирма тўққиз сўм жарима тўлашга мажбур бўлган. Шу кунгача жумҳуриятимиз арзимаган маҳсулотни ҳам иттифоқ идораларининг ижозатисиз сота олмаётгани ачинарлидир. Пахта толаси, қоракўлнинг 90 фоизи, табиий жуннинг 71 фоизи, пилла ва чармнинг анчагина қисми арзимас баҳо билан олиб кетилмоқда. Умумғазнага тушаётган валюта эса бошқалар учун хизмат қилмоқда.

Пахта толасининг 90 фоизи хом ашё сифатида олис минтақаларга ва чет элларга жўнатилаётгани сир эмас. Қазиб олинаётган мис, қўрғошин, руҳ ва бошқа рангли металларнинг ярми, олтиннинг ҳаммаси мамлакат валюта фондига тушмоқда.

Ҳозир бу фонднинг учдан бир қисмини жумҳуриятга қайтариш масаласи кўтарилмоқда. Лекин бу ҳам арзимас улушдир. Ўзбекистон ССР суверен давлат деб Конституцияга ёзилгани билан иттифоқнинг юзлаб идоралари, сон-саноқсиз низом ва кўрсатмалари унинг қўлоёғини боғлаб ташлагани ҳеч кимга сир эмас.

Шунинг учун Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессиясида қабул қилинган Мустақиллик декларацияси халқимизни қашшоқликдан қутқарувчи муҳим ҳужжатдир.

Бу Ўзбекистон ССРнинг янги Конституциясини ҳамда янги иттифоқ шартномасини ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

Р. МУХТОРОВ,
халқ депутатлари Олтиариқ район Советининг депутати, ҳуқуқшунос.

ОЛИЙ СИФАТ

Йил бошидан буён жумҳуриятда чиқарилаётган 247 та буюмга олий сифат категорияси берилди. Улардан ўнта тури биринчи марта ана шундай категорияга сазовор бўлди. Қуйида уларнинг айримларини айтиб ўтамиз:

«Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Беларусь МТЗ-80ХА» маркали тракторлари. Бу машиналар пишиқ бўлиб, ана шу хусусиятлари уларга ташқи бозорда муваффақиятли рақобат қилишга ёрдам беради. «Беларусь» трактори етакчи капиталистик мамлакатлар — АҚШ, Буюк Британия, ГФР, Франция ва Японияда патент олишга сазовор бўлган.

* * *

Чирчиқдаги «Химавтоматика» бирлашмасининг «Палладий-МП1» газ анализатори. У якка тартибда фойдаланиладиган углевод оксиди дозаларини ўлчовчи мамлакатдаги ягона асбоб ҳисобланади. Асосий кўрсаткичлари бўйича у ҳатто айрим амалдаги стандарт талабларидан ҳам устундир. Газ анализатори 11 та мамлакатда патент устунлигига эга.

* * *

«Электротерм» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси чиқараётган электрокалорифер Буюк Британияда ишлаб чиқарилаётган шунга ўхшаш иситгич асбобга нисбатан оғирлиги анча кам бўлгани ҳолда юксак фойдали коэффициентга эгадир. Бу буюм электр иситгич асбоблари ишлаб чиқаришда етакчи ўринни эгаллаб турган бир қанча мамлакатларда ижобий баҳога сазовор бўлди.

Элга хизмат—олий ҳиммат

ИССИҚ НОНДАН МАРҲАМАТ!

Пахтакор райони марказида биринчи марта нон комбинати очилиб, чўқуварларга хизмат қила бошлаганига ўн саккиз йил бўлди. Корхона нарндан бери қурилган бўлса ҳам аҳолига ризқ-рўз улашишда ибратли ишларни амалга оширмоқда. Ҳар куни 11 тонна 9—10 турдаги иссиқ нон ва қандолат маҳсулотлари тайёрланиб, савдо тармоқларига етказиб берилмоқда.

— Эл хизматида бўлиш— шарафли иш, — деб ҳикоя қилди биз билан суҳбатда корхона директори Шарипов Фарҳод Карим ўғли. Қоллективимиз илгари вилоятдаги қўшни Дўстлик, Октябрь районларига иссиқ нон етказиб берарди. Ҳозир эса Зомин, Зарбдор районлари ҳамда «Бўстон» қишлоғига ҳам комбинат маҳсулотлари етиб бормоқда. 6 тонна булкали, 3 минг дона оби нон, 30 минг сўмлик турли хилдаги қандолат маҳсулотлари — пряник, булка, «Тошкент торти», кекс ва пирожное — бугунги кунда чиқарилаётган корхона маҳсулотлари шулар...

Директорнинг айтганича бор. Корхона кичик бўлса ҳам коллектив астойдил ишламоқда. Фойдаланилмай ётган думалоқ (падовой) нон ишлаб чиқарадиган линия куни кеча қайта жиҳозланиб синовдан ўтди. Шуниси қувонарлики, янги линияни ишга тушириш учун алоҳида маблағ сарфланмади. Қўшни Самарқанд шаҳридаги нон заводи мутахассислари ҳамкасбларига ёрдам бериш учун ўзлари билан ускуналарини ҳам олиб келишди. Қолгани эҳтиёт қисмларни эса район тажриба ремонт-механика заводи етказиб берди. Хашар йўли билан ишга туширилган линия тўла қувват билан ишлай бошласа, аҳолининг нонинг бу турига бўлган эҳтиёжи тўла қондирилади.

Янги тандирдан чиқаётган нонинг бошқаларидан фарқи нимада? Бу маҳсулот қоғозларга солинмай пиширилади. Қирмизи рангли, сингиб пишган нон хушхўр ва мазали таъми билан ажралиб туради, харидорни ўзига тортади. Пазандалар бу хилдаги нонни ёпиш технологиясини янада такомиллаштириш устида изланмоқдалар. Олий навли ундан тайёрланган 800 граммли, баҳоси 40 тийин турадиган бу маҳсулот мамнуният билан сотиб олинмоқда...

Оби нон тайёрлаш илгари қандолат цехида қўшимча иш сифатида бажариларди. Ҳозир эса конвейер усулида нон ёпадиган 2 та электр тандир қурилмоқда.

— Иқтисодий иш яхшиланса ишчилар даромади кўпаяди, — дейди қандолат цехи устаси Зокир ака Йўлдошев. — Бунинг учун корхона ҳар бир соҳадан фойда кўрадиган бўлиши керак. Ортиқча ҳаражатларни қисқартирмай туриб бунга эришиб бўлмайди. Биргина мен ишлаётган цех шу кунгача зарар келтирарди. Сабаби оддий — ҳаражатлар кўп.

Масалан, маҳсулот ташиш учун бизнинг цехга ҳар куни 2 та машина чақириларди. Нега ундай қилинарди? Ахир юкларни битта машинада ташиса ҳам бўладику? Транспортни қисқартириш корхонага кунига 40—50 сўм фойда келтирди. Бир йилдачи?

Корхонада тайёрланаётган маҳсулотларни ўз вақтида дўконларга тарқатиш катта меҳнат талаб қилади. Бинобарин нон кўримлилигини ҳам сақлаши лозим. Ёнбошига «нон» деб ёзиб қўйилган машиналарни тонг қоронғусида ҳам, кеч кирганда ҳам қишлоқ кўчаларида учратишингиз мумкин. Машина ҳовури тушмаган нонларни жойларга элтиб беради.

Корхона асосан «Жиззахстепстрой»нинг ишчилар таъминоти бошқармасига қарашли бўлгани учун шу ташкилотнинг 45 дўконини нон билан таъминлайди. Биз жойлардаги савдо расталарида бўлганимизда, маҳсулот пештахталарда қолиб кетмай сотилаётганлигининг шоҳиди бўлдик.

Корхонага Ф. Шарипов раҳбар бўлиб келди-ю, аҳвол ўзгара бошлади: цехлар қайта жиҳозланиб, маҳсулот сифати яхшиланмоқда. Бугун-эрта комбинат қошида янги кўргазма-магазин очилиб, қўли гул нонвойлар пишираётган маҳсулотларни харидорларга намойиш қилабошлайди. Ҳовли-рўяларни асфальтлаш, нон ҳақидаги ҳикматларни ёзиб қўйиш, комбинат атрофини гулларга буркаш... Ларнинг ҳаммаси кўҳна корхона чиройига янги чирой қўшади...

П. НИШОНОВ,
Жиззах вилояти.

ЕР — ШАҲАР МУЛКИ

ЧЕРЕПОВЕЦ (Вологод вилояти). Череповец халқ депутатлари шаҳар Совети Череповец шаҳри чегаралари миқёсидаги ҳамма ерни шаҳар мулки деб эълон қилди. Бу қарор қабул қилиниши муносабати билан ердан фойдаланишга доир барча эски ҳужжатлар ўз кучини йўқотди. Депутатлар Череповецдаги экология вазиятини яхши томонга ўзгартиришга интилиб бу қадар қатъий тадбирни амалга оширдилар. Энди барча ташкилотлар ва заводлар билан ижара шартномалари тузилади. Ер учун тўлов шаҳар ҳазинасини тўлдиради. Экологик жиҳатдан тоза технологияларни қўллаш чора-тадбирларини кўрмаётган идоралар билан шартнома бузилиши мумкин.

ҚАРИЯЛАРНИ УНУТИШМАДИ

ЛЬВОВ. Маҳаллий кооперативлар уюшмаси вилоят марказининг Шевченко ноҳиясида истиқомат қилувчи ёлғиз қарияларнинг барчасини ўз қарамоғига олди. Унинг ташаббуси билан уйжой ижтимоий банки маҳаллий бошқармасида камбағалларга пул ёрдами бериш учун махсус ҳисоб очилди. Мазкур ҳисоб «СССРда фуқароларни пенсия билан таъминлаш тўғрисида»ги янги қонун чиққунга қадар биргаликда имзолаган битимлари бунга мисол бўла олади.

амал қилади. Кооперативлар ойига даромаднинг қарийб 1,5 фоизини шу ҳисобга ўтказадилар. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, бу йилга 120 минг сўмни ташкил этади. Натижада барча муҳтожларга энг кам пенсияларни 100 сўмгача ошириш имкони бўлади.

ҲАМ ЖАЗО, ҲАМ ЁРДАМ

ПЕРМЬ. Пермь вилояти давлат автоназорати томонидан «0» ҳарфи билан белгиланадиган давлат номер белгиларининг махсус туркуми киритилди. Маст ҳолда машина ҳайдаганлиги учун қўлга тушган автоҳаваскорларни шу белги билан қайд этишади. Жазо бир йилгача ўз кучини сақлайди. Махсус вазифага мўлжалланган радиостанциянинг ташкил этилишидан ишида яна бир янгилик бўлди. Ҳар бир ҳайдовчи вилоят маркази теварагидаги 20 километр масофада «Авторадио» ультрақисқа тўлқинли канал орқали эшиттиришларни тинглаши мумкин. Ҳайдовчиларга ёнилғи қуйиш станцияларида қандай бензин борлиги, ҳаракатни ташкил этиш схемаларидаги вақтинча ўзгаришлар ва у ердаги кўзда тутилмаган вазиятлар ҳақида ахборот берилади.

ЮҚОРИДАН ЯХШИРОҚ КУРИНАДИ...

ОЛМАОТА. Қозоғистон гидрометеорология илмий-тадқиқот институтининг экспедицияси фотоэлектрон асбоблар жойлаштирилган самолётда бир неча соат ичида Қозоғистон қўриғининг буғдой экилган асосий массивлари ҳолатини текшириб чиқди. Учиш чоғидаёқ ЭҲМ доннинг биологик ҳосилини баҳолади, бу ҳосил ўтган йилгидан кўп бўлиши кутилмоқда. Бу ахборот давлат деҳқончилик — саноат, транспорт ва дон тайёрловчи идораларнинг мутахассисларига берилди. Ушбу ахборот дон экиларидан турли ҳосил олган вилоятлар ва районлар ўртасида комбайнларни, автотранспортни тақсимлашда ёрдам беради.

(ТАСС).

АФҒОН ДЕЯ ЧЕКИЛГАН АФҒОН

Абдурашид НУРМУРОДОВ.

Баҳодирнинг сўнгги тушлари

«Салом, менинг жигарбандларим— отам, онам ва сингилларим!!!

Мана бугун сизларга мактуб ёзишга қарор қилдим. Менинг ишларим ва соғлигим яхши, Бизда кечки соат саккиз, Ҳар томонга тун ўз пардасини ташлаган.

Бизлар ҳозир олдингидан яхшироқ яшамоқдамиз. Чунки офицерларга фанердан уй қилишди, аскарлар эса ҳамон чодирларда яшашмоқда. Овқатланишимиз ҳам олдингисидан тузукроқ. Аммо шароит ёмон. Босмачилар жуда кўпайиб кетиб, улар билан жанг қилиш кундан кунга қийинлашиб бормоқда. Аммо мендан хавотирланмангизлар, чунки бугунларда катта тажрибага эгаман. Айрим босмачилар мендан жуда-жуда қўрқишади. Шу сабаб бўлса керакки менинг бошимни 100 минг афғон пулига баҳолашибди. Лекин бу сафсаталарга эътибор ҳам берганим йўқ. Уз бурчимни сидқидилдан адо этиб, менга юкланган жануб томонни ҳимоя қилиб ётибман. Кеча мени иккинчи бор «Қизил юлдуз» орденига тавсия қилишди. Чунки бизлар Покистон томонидан ўтган катта бандани йўқ қилиб ташлагандик. Аммо менинг ҳам кўп аскарларим ярадор бўлган. Мен уларни ўз жигарларимдай яхши кўраман, ҳамма вақт дайди ўқдан омон олиб қолишга ҳаракат қилмоқдаман. Мен бу ерда бизнинг одамларимиз кўрмаган кўп нарсаларни кўрдим. Ҳеч қачон одамларимиз кўрмасин ҳам. Ҳеч кимга айтиб ҳам бўлмайди.

Мана шундай ишлар бўлмаслиги учун ҳам Ленин бобомиз айтганидек, ўқиш, ўқиш, ўқиш керак. Сизлар ҳаммаларингиз мактабга фақат сумкани кўтариб юриш учун эмас, балки ўқиш учун боришларингиз зарур.

Азиз сингилжонларим, отамга, онамга ёрдам беринг, уларнинг оғирини енгил қилиш асло ёдларингиздан кўтарилмасин. Ҳеч қачон бир-бирларингиз билан бемаънй баҳс қилманг, одамларга самимий бўлинг, шундагина акаларингиз сизлардан хурсанд бўлади. Ўқитувчиларингиздан билмаганларингизни билишга ҳаракат қилинг.

Онамга менинг самимий саломимни етказинглар. Менинг бу дунёда энг севимли, энг суюмли кишим онамдир. Мен унга ҳар куни мактублар ёзган бўлардим, аммо жуда қийин, жуда мураккаб шароитда яшамоқдаман. Шу сабаб унга ҳар куни мактуб ёза олмаяпман. Ҳозирги кунларда уйга қайтишни шунчалик истайманки, қани энди нложи бўлса! Бу ердаги ҳаёт жуда-жуда жонимга тегди.

Сингилим Нодира, сен ҳамма вақт ўзингдан катталарнинг гапини тингларгин, яхши ўқишга ҳаракат қилгин. Кўчадаги юришларни камайтирсанг ундан ҳам аъло бўлур эди. Ўқиш, яхши ўқиш унчалик қийин нарса эмас. Фақат бироз жиддийлик талаб қилади, холос. Яхши ўқиган инсон кейинчалик ҳар қандай мақсадига енгилгина эриша олади.

Менга бу ерда жуда оғир, аммо сараланган, синалган ўртоқлар орттирдим. Катталар ҳам, кичиклар ҳам— ҳамма-ҳаммаси менинг ўртоқларим.

Менинг сиз, сингилларимдан ягона илтимосим ҳеч кимнинг кўнглини қолдирмангизлар, агар ёмонликни раво кўрувчилар топилиб қолишса, олдин қилаётган ишининг нотўғрилигини тушунтирингизлар. Шундагина менинг доно сингилларим бўласизлар.

Менинг қўл остимда жуда кўплаб турли хил қуроллар бор. Яқинда яна бир янгисини олдик. Ҳозир ўшани ўрганмоқдаман. Кейин аскарларимга ўргатаман. Билим юртида кўп нарсаларни ўқигандик, практикада эса кўп нарсаларни ўргандик. Таниш-лар-нинг ҳаммасига салом айтинглар. Сизлардан биргина илтимосим, бир-бирларингизни эҳтиёт қилиб, меҳрли-оқибатли бўлинглар.

Шунинг билан мактубимни тугаллайман.

Бахтимга омон бўлингизлар.

БАҲОДИР.

Қундуз шаҳри».

«Салом, Чайка!!!

Сенга саломлар билан Баҳодир. Чайка, сенга каттадан-катта раҳмат, мени ёдлаб хат ёзганлигинг учун. Менинг соғлигим яхши. Аммо ишларимиз кундан-кунга ёмонлашиб бормоқда. Ҳар куни тунда кўплаб босмачиларни ўлдирмоқдамиз, улар ҳам бизнинг аскар ва офицерларни ўлдиришмоқда. Бу ер шунчалик жонимга тегдики, уйга кетишни жон-жон деб истайман. Об-ҳаво ҳам кечалари совуб кетиб, кундузи бироз исимоқда.

Узларингда ишлар қандай, қанақа янгиликлар бор? Менга тез-тез хат ёзиб турингларр. Фақат сенларнинг мактубларинггина юрагимга таскин беради. Менга эса хат ёзишга ҳеч вақтим йўқ. Ҳар куни топшириққа чиқамиз. Кундан-кунга душманнинг сафи ортиб бормоқда. Ҳатто улар бизга қарши газ ҳам ишлатишмоқда. Бу эса кундан-кунга аҳволимизни ёмонлаштирмоқда. Тез кунларда Союзга қайтишим керак. Аммо ўша кун қачон эканлигини билмайман.

Мен сендан дарс вақти хат ёзмаслигингни илтимос қиламан. Дарс вақти фақат ўқиш керак. Чунки бу кунлар асло қайтиб келмайди. Мен бу ерда саводсизликнинг азобини тортиб юрибман. Шул сабаб ўзим жангчиларга лекция ўқимоқдаман.

Гапларимни тингла. Яхши ўқи. Қолганлари: ўйин ҳам, кино ҳам, ўртоқлар ҳам ўз-ўзидан

(Боши газетанинг 3 август сонида).

Умуман янги йил ёмон кириб, кўплаб жудоликларнинг гувоҳи бўлдим. Ҳаво унчалик совуқ эмас. Саша, сен менга тез-тез хат ёзиб тур. Мени эса ҳатто ручка ушлашга ҳам вақтим йўқ. Бу ерда иш жуда кўп, ҳар куни топшириқ билан чиқишга тўғри келмоқда.

Дўстим Саша, менда шундақанги ишлар. Менинг номимдан ҳамма болаларга салом айт. Олянага албатта салом айтишни эсингдан чиқарма.

Кечирасан, дўстим, хатни ўлда-жўлда ёзганлигим учун.

Салом билан

БАҲОДИР».

Бу мактублар Баҳодирнинг ўтган машъум кунларидан қолган хотиралар. Унинг ўтмиши ҳам, бугуни ҳам шу сарғайган қоғозларда муҳрланиб қолган. Ҳа, ҳа, бу сатрлар инсоннинг энг оғир дамлардаги кечмишлари садосидир.

Улар кўпчилик эди. Улар бугунларга етиб кела олмадилар. Фақат қоғозларда овозлари келди.

Бу мактубларни сенга узатган қадоқ қўлларга нигоҳинг тушганмиди? Тушган эди. Аммо унинг кимлигини англаб-англолмадим. Ана у қаршингда турибди, кўзларига тикил. Минглаб оналарнинг фарёди унинг нигоҳида мужассам бўлган, ўн беш минг Баҳодирнинг онаси у.

Тожинисо она! Мен сизни қай бир сўз билан

болаларининг бир ёшидан йиғирма ёшигача иссиқда ҳам, совуқда ҳам ялангоёқ юришади. Чунки кийишига ҳеч вақо йўқ.

Мен сенга кўп нарсаларни айтмоқчи эдим, аммо бир аскар хонамга кириб Покистон томондан босмачилар келишганлиги хабарини берди.

Хайр.

Отамга, онамга, сингилларимга саломимни етказ.

БАҲОДИР».

«Салом, Саша!!!

Мана бугун сенга мактуб ёзишга қарор қилдим. Мен ҳозирги вақтларда Оля ва уйдагилардан ўзга ҳеч кимга мактуб ёзаётганим йўқ. Шу сабаб ўзга ўртоқларнинг ҳам манзилгоҳини яхши билмайман. Саша, бугун сенга ҳеч бир янгилик айта олмайман. Аммо бир воқеа хусусида гапирмасдан ҳам тура олмайман.

Қундуз вилоятига ўртоқларим Савицкий ва Матусенко билан самолётда учиб келдик. Ва, учаловимиз ҳам разведкачилар қисмига тушдик. Савицкийнинг взвод аскарлари БТРда, Матусенко ва менинг взводим БМП ва БРМ машиналарида юришади. Матусенко билан биринчи кунданоқ разведкага бирга чиқа бошладик. Бутун тунги топшириқларга бирга бордик, десам ҳам хато бўлмас. Аммо бугун мен уни йўқотдим. Бу бир мудҳиш қишлоқда содир бўлди.

Саша, сен уни билганларга ҳикоя қилиб бер. У учинчи ротада хизмат қиларди.

Бизлар иккаловимиз ҳам рота командирлари ўрнига қолгандик. Бир қишлоқда қўзғолончилар борлиги маълум бўлди. Шунда Матусенкога ўша босмачилар ўрнашиб олган қишлоқни эгаллаш топширилди. У уйга аскарлар билан бостириб кирганда яраланган. Яраланганлигига ҳам қаноат қилмаган босмачилар уни гранатомёт снаряди билан уришган. Кейин ярамаслар автомат билан юзлаб ерига отишган. Мен уни бугун сўнгги йўлга кузатиб қўйдим. Агар Ватанга қайтсам албатта унинг уйига кираман. Фақат мен унинг сўнгги куни ҳақида тўлиқ биламан. Менинг ротамда ҳам аҳвол унчалик яхши эмас. Ўтган куни топшириққа чиқиб икки жангчимдан ажралиб қолдим.

Айланай, болажоним, кел, бағримга босай. Сен ҳам боламсан-да, болам...

* * *

Йиллар. Мен сизнинг узоқ вақтдан бери қандай ўтишингизни сезмайман. Гўё сиз учқур от мисол қаршимдан бирин-кетин югуриб ўтаётганга ўхшайсиз. Кечагина минг тўққиз юз саксон саккизинчи йил эди. Мен эса йўлда эдим. Ҳамон йўлдаман. Билмаган, кўрмаган остонада эшиклар очилади. Бош суқаман. Тожинисо она каби бағри хун оналар қучоқ очадилар. Уларнинг қучоғида йиллаб қолиб кетаман. Туғилишни, ўлимни ўйлайман. Кечагина шу она қучоғида жажжи бармоқлари билан унинг кўксини излаган бола бугун руҳга айланиб кетганлигини кўриб, ўз боласини соғиниб мени қучоғига олган она бағрида қайта дунёга келаман. Инсон умри нақадар қисқалигини, уни яна ўз қўлларимиз билан кесиб ташлашимизни юраклари ўтин бўлган оналар қаршисида ҳис қиламан.

Жодини яратганнинг ўз бошида синаб кўрганларидай, урушни бошлаганлар ҳам Тожинисо оналар каби минглаб оналарнинг уволига қолсинлар, дея лаънатлайман.

Ортга қайтаман. Қаламкаш дўстларим даврасида эса ҳамон бугундан ненидир юлиб олишга чоғланган мараз қўлларни кўраман. Қай бири депутат бўла олмадим дея нола қилса, қай бири ойнаи жаҳондан меҳнаткаш, жафокаш халқимга қарата «мен қийналиб кетдим» дея роҳатда яшаган кунларини дастурхон қилади.

Мен учрашган ногирон болалар, боласидан ажралиб қолган оналар ҳамма ғамни, ҳамма аламни бағрига босиб эл олдида ўзлигини ошкор қилишни истамайди. Нечун? Билмадим, билмадим нелигин. Уларнинг тупроғи бошқа жойдан олинганми? Балки жамиятнинг мўътадиллашиб туриши ҳам ана шу жафокаш инсонларнинг сафи билан ўлчанса ажаб эмас.

* * *

«Марҳум офицер Наметов Б. Н. ҳақида маълумот.

Катта лейтенант Наметов Б. Н. 1980 йилда В. И. Ленин номидаги олий умумқўшин командирлари билим юртини тугаллаган. Билим юртини тугаллаши билан Афғонистон Демократик Республикасидаги чекланган совет қўшинларида разведкачилар взводи командирлиги вазифасида хизмат қилди.

Взвод командири Баҳодир Наметов хизматни бошлаши билан ўзининг ташаббускорлиги, билимдонлигини кўрсатди. Взвод бир неча бор унинг командирлиги остида берилган топшириқни аъло даражада бажарди. Ўзининг қўл остидагилар билан биргаликда мардлик ва матонат кўрсатганлиги учун унга навбатдан ташқари катта лейтенант унвони берилди ҳамда рота командири лавозимига тайинланди.

1982 йилнинг июнь ойида унинг қўл остидаги рота қўзғолончиларни йўқ қилиб ташлаш буйруғини олди. Улар қўзғолончилар жойлашган ерга эҳтиёткорлик билан яқинлашиб, кузатувни давом эттирдилар. Орадан икки кун ўтди. Сув тугади. Аммо рота аскарлари ўз командирларидан ўрнак олишиб, душманни кузатишда давом этдилар. Улар сувсизликдан ҳолдан кетган вақтлари саксон нафарга яқин банда кўриниш берди. Шунда Баҳодир душманнинг яқинроқ масофага келишини кутиб туришни рота аскарларига тайинлади. Улар кўзланган ерга етиб келганда жасур командир ўт очишни буюрди. Қаттиқ жанг бошланиб, Баҳодир оғир яраланди. Шунга қарамасдан у жангни давом эттиришни бошқариб турди. Банда бутунлай тор-мор келтирилиб, кўплаб қуроллярог ўлжа қилиб олинди.

Катта лейтенант Баҳодир Наметов бошчилик қилган жанговар группага уч қаватли уйга жойлашиб олган душманни қўлга олиш топширилди.

Улар атрофни сичқиклаб кузатишиб, мўлжалланган бино томон силжий бошлашди. Уйга яқинлашишлари билан душман ўт очиб қолди. Баҳодир Наметов қорнидан яраланди. Қоннинг тўхтовсиз кетишига қарамай у жангни бошқариб турди. Рота командирининг буйруғи билан уй ичига граната ташлашиб, ичларига қуюндай отилиб кирдилар. Душманнинг қаттиқ қаршилик кўрсатишига қарамай уй қўлга олинди. Топшириқ бажарилди. Разведкачилар учта автомат, тўртта милтиқ, иккита пулемёт, учта граната ва кўп миқдорда ўқ-дорини ўлжа қилиб олишди.

Катта лейтенант Баҳодир Наметовнинг жасурлиги, қаҳрамонлиги ҳунуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. У:

— 1980 йил 17 декабрда «Жасурлиги учун» медали билан;

— 1981 йил 4 июнда «Қизил юлдуз» ордени билан;

— 1982 йил 6 майда «Қизил юлдуз» ордени билан;

— 1982 йил 17 декабрда «Қизил байроқ» ордени билан мукофотланган.

Афғонистон Демократик Республикасида бўлган Апрель инқилобида, афғон халқига ёрдам беришда мардлик, жасурлик намунасини кўрсатганлиги учун катта лейтенант Баҳодир Наметов ЦК ЛКСМнинг КНИГА ПОЧЕТА китобига ёзилган. ЦК ЛКСМнинг XVIII съезди делегати. СССР спорт мастерлигига номзод. СССР Қуролли Кучларининг ҳарбий кўпкураш бўйича чемпиони. ЦК ВЛКСМнинг «Воинская доблесть» нишони билан мукофотланган».

Мен Баҳодирнинг бошқа хизматлари ҳақида батафсил сўзламоқчи эмасман. Аммо бир лаҳзасини бўлса ҳам қайта сўзлашга афғон тупроғида қон кечган эллик минг Баҳодир ундамоқда. Эллик минг нафар қалбки, нигоҳни кўз олдингизга бир келтириб кўринг. Улар қаршисида тик туриб сўзламоқ учун юрагинг ҳар қандай фасодлардан холи бўлган беғубор бола қалбига айланмоғи керак. Бўлмаса, уларнинг руҳи омон қўймагай.

Азиз укаларим, акаларим, сизларнинг қаршингизда йиллаб тик туриш менинг тасаввуримда лаҳзалар мисол кечган. Ўша кунлар хотирасини ёдга солганимда ҳеч бирингиз:

— Ҳаммаси бўлганди, бу ёғига омон бўлайлик, — дея қисқа жавобдан нарига ўтишни истамагандингиз. Аммо бугунги кунда матбуотнинг турли саҳифаларида, ойнаи жаҳон экранларидан нина янглиғ санчилган тикондан зорланиб:

— Мен қийналиб кетдим, мени ишдан бўшатишди, — дея ҳайқираётган қизил юзли одамларга тикилиб сизларни эслайман. Жонингиз тошдан экан, дея ғойибона ҳаммангизни бир-бир бағримга босаман.

Ҳа, Баҳодирнинг бағри хун онасидай сизлар ҳам бу дунёнинг кўп кемтикларини тўлдириб турибсизлар. Агар бу кемтиклар очиқ қолганда замин ҳам ўз палласидан оғиб, лаъмакон қаърига тарсо қизларидай ўн қадам босган бўлардик. Сизларнинг борингизга шукур!

Жигарларим, мени бир ўй узоқ вақтлардан бери қийнаб келмоқда. Чунки сизлар билан суҳбат қурганда кўп дўстларингиз орден ва медалларини ҳанузгача ололмаганликлари тўғрисида бир тортиниш ҳисси билан айтишиб:

— Бу ҳақда ёзиб юрманг. Бир парча темир менинг оёғимга, қўлимга, кўзимга малҳам бўлармиди, — дея кўл силташганди.

Мана ўшандай гапларга жонли гувоҳ. Балки Баҳодир тирик бўлганда у ҳам сиз каби қўл силтаган бўлармиди.

Баҳодирнинг ота-онасига 1982 йил 28 сентябрда у хизмат қилган бўлинмадан шундай мазмунда мактуб келган. Мен мактубни қисқартиришсиз, тўлиқ ҳолда келтиришни маъқул топдим.

«Ассалому алайкум, азизларим!

Сизларга фарзандларингиз Баҳодирнинг қаҳрамонларча ҳалок бўлганлиги муносабати билан яна бир бор ҳамдардлик билдирамиз. Жанговар дўстимизнинг порлоқ хотираси, қилган ишлари қалбимизда бир умр муҳрланиб қолади.

Уни Совет Иттифоқи Қаҳрамонлигига қилинган тавсия жўнатилиб, ҳали жавоб олганимизча йўқ. Бу олий унвонга буйруқ чиқиши билан сизларга маълум қиламиз.

Унинг чекидаги пуллар қонуний равишда ота-оналари ва рафиқасига тегишлидир. Агар бир томон пулларни олишдан бош тортмаса, пуллар халқ суди орқали бўлиб берилади.

Қисм командирлигининг фикри бу масалада ҳисобга олинмайди.

Сизларнинг оила аъзоларингизга сиҳат-саломатлик тилаб қоламиз.

Ҳурмат билан

Бўлинма командири ЛОГИНОВ.

Сиёсий ишлар бўйича командир

ўринбосари ШАРИПОВ».

Мактуб ортида унинг ўлимидан сўнг қаҳрамонликка тавсия қилинган Баҳодир ротасининг аскарлари, офицер ва прапоршчикларининг исми-фамилияси, имзолари қўйилган. Улар эллик уч нафар. Мен Баҳодирнинг садоқатли қуролдошларининг исми-фамилиясини тўлиқ келтирмоқчиман. Зора уларнинг нигоҳлари содиқ командирларининг руҳига айланган исмига қадалиб овоз беришса.

1. Катта лейтенант Пеньков М. В.
2. Катта лейтенант Жонмурзаев С. М.
3. Лейтенант Скроба Ю. И.
4. Катта прапоршчик Русс В. Г.
5. Сержант Авдеенко А. В.
6. Прапоршчик Прошкин И. Ф.
7. Оддий аскар Юрошко В. И.
8. Оддий аскар Қурбонов М. А.
9. Оддий аскар Суходольский В.
10. Оддий аскар Жумагиев Б. А.
11. Оддий аскар Сумкин А. В.
12. Сержант Бикметов Р. Р.
13. Оддий аскар Шестопалов И. В.
14. Оддий аскар Галимзянов Д. А.
15. Кичик сержант Горьков В. В.
16. Сержант Левчук В. И.
17. Кичик сержант Боричев А. В.
18. Кичик сержант Курашпов А. Г.
19. Оддий аскар Грицалико А. П.
20 Кичик сержант Усенко Ф. А.
21. Кичик сержант Чихман С. А.
22. Оддий аскар Ҳимматов М. Р.
23. Сержант Гроза В. Н.
24. Оддий аскар Зайцев Г. А.
25. Оддий аскар Небабов А. В.
26. Оддий аскар Малов И. Н.
27. Сержант Голубов С. И.
28. Оддий аскар Нойда В. Ф.
29. Оддий аскар Артамонов В. В.
30. Сержант Нохрин К. Г.
31. Оддий аскар Ҳусаинов Р. Х.
32. Сержант Хилько В. В.
33. Оддий аскар Асомов В. В.
34. Кичик сержант Мотченко В. В.
35. Кичик сержант Зуев Ю. И.
36. Оддий аскар Кузьмич И. В.
37. Оддий аскар Кулагин В. Ф.
38. Оддий аскар Беднов П. А.
39. Оддий аскар Антоненко В. Е.
40. Оддий аскар Бляскин А. В.
41. Сержант Корогодин С. П.
42. Сержант Гриценко А. М.
43. Оддий аскар Зайцев С. А.
44. Оддий аскар Беляев А. В.
45. Оддий аскар Бобохонов С. Ш.
46. Оддий аскар Чодеев Е. Н.
47. Кичик сержант Степановский Ю. И.
48. Оддий аскар Галец Л. В.
49. Оддий аскар Уразбахтин М. М.
50. Сержант Чонноклиди И. В.
51. Оддий аскар Когалов В. А.
52. Сержант Васин В. В.
53. Сержант Нежидов Ю. Н.

Баҳодир Наметовнинг офицер ва аскарлари, командирларининг ота-оналари СССР Олий Совети котиблигининг мукофотлаш бўлимидан олган жавобни ҳойнаҳой билмасалар керак. Бу жавобни ҳам айрим тушунмовчиликлар бўлмаслиги учун тўлиқ келтиришни лозим топдим.

(Давоми бор).

Турмуш чорраҳаларида

КАШАНДАНИ ХУМОР ТУТГАНДА КЎРИНГ

— Битта сигарета беролмайсизми? — Автобус бекатида турган йўловчи чекаётган кишига мурожаат этди.

— Эҳ, биродар, мен ҳам ҳозиргина бошқа одамдан бир дона олгандим-а.

Сўраган ҳам, беролмаган киши ҳам ноқулай аҳволга тушиб, хижолат бўлишди. Бошқа бир йўловчига хумор қилиб турган экан шекилли, фигони фалакка чиқди:

— Илгари ҳамма жойда турарди. Ҳозир эса фақат чайқовчилардан топиш мумкин. Савдо ходимлари билан олибсотарларнинг куни туғди-да. Бир қути сигаретни уч-тўрт сўмдан пуллашаяпти.

Йўловчилар автобус келгунга қадар шу мавзуда гаплашиб, турли-туман фикр-мулоҳазаларни айтишди...

Ҳозир уч-тўрт киши тўпланса сигарета ҳақида сўз юритиладиган бўлиб қолди. Чунки дўкон пештахталарида тамаки маҳсулотлари кундан-кунга сийраклашиб, кейинги пайтда деярли сотилмаяпти. Кашандалар энг сўнгги чора сифатида чайқовчилардан олишга мажбур бўлишмоқда. Улар илгари Болгария сигареталарини бир ярим-икки сўмдан сотишган бўлса, кейинги пайтда уч-тўрт сўмга чиқариб чоришди. Ҳатто Тошкент тамаки фабрикасида ишлаб чиқариладиган «Прима», «Астра», «Полёт» сингари оддий сигаталарнинг ҳар қутисини 60—70 тийиндан пуллашаётир. Баъзи кишилар шуни ҳам тополмай, хуноб бўлишмоқда. Хўш, нега? Бундай аҳволнинг асосий сабаблари нимада? Ушбу саволларга жавоб излаб, мутасадди идоралар, ташкилотларнинг вакиллари билан суҳбатлашдик.

— Жумҳуриятимизда бир йилда қарийб 205 миллион сўмлик тамаки маҳсулотлари сотиш режалаштирилган, — дейди Ўзбекистон ССР савдо вазирлиги бошқарма бошлиғининг ўринбосари Михаил Григорьевич Руденко. — Кейинги йилларда шундай молларнинг етказиб берилишида тез-тез узилишлар содир бўлмоқда. 1989 йили тамаки маҳсулотларини режалаштирилганидан 7,1 миллион сўмлик кам олган эдик. 1990 йилнинг ўтган даврида аҳвол янада мураккаблашиб кетди. Олти ойда 103,4 миллион ўрнига 81,8 миллион сўмлик мол берилди. Бу режалаштирилганидан 21,6 миллион сўмлик камдир.

— Шунча кўп миқдордаги маҳсулот қандай идоралар, корхоналар томонидан етказиб берилмади?

— Унинг деярли ярми, тўғрироғи 10,6 миллион сўмлиги Тошкент тамаки фабрикаси ҳисобига тўғри келади. Асосан Болгариядан, иттифоқдош жумҳуриятлардан жўнатилмаган маҳсулот эса 11 миллион сўмликни ташкил этди. Бизга маълум бўлишича, тақчиллиқнинг сабаблари анчагина. Ижтимоий ҳаётда вазиятнинг жуда тез ўзгариб бораётганлигини, миллатлараро низолар ишлаб чиқаришда беқарорлик вазиятини вужудга келтирганлигини, хом ашё, ёрдамчи материалларнинг ўз вақтида етказиб берилмаётганлигини, эскириб қолган ускуналарни алмаштириш учун маблағ етишмаётганлигини ва бошқа кўпдан-кўп мураккабликларни кўрсатиш мумкин.

— Мана, қарийб икки йилдан бери тамаки маҳсулотларини сотишда тез-тез узилишлар бўлиб турибди. Ўзингиз айтганингиздек, кейинги бир ярим йилнинг ўзида шундай молларни деярли 30 миллион сўмлик кам олибсизлар. Бу барча кўрсаткичларга салбий таъсир этади. Ҳамма соҳаларда хўжалик юритишнинг янги усуллари жорий қилинаётган, даромад олиш учун имкониятлар ишга солинаётган ҳозирги шароитда аҳволни ўнглаш учун қандай тадбирлар кўрилаяпти?

— Гап нима ҳақида бораётганлигини тушундим. Ишлаб чиқариш корхоналари билан бевосита алоқалар ўрнатиш, ярмарка ва бошқа тадбирларда иштирок этиб, молларни улгуржи харид қилиш ҳамда олиб келиш, тўғридан-тўғри шартномалар тузиш сингари усуллар секинлик билан бўлса-да, тармоғимизга кириб келаяпти. Бир қатор йўналишларда бу соҳада ижобий силжишлар бўлмоқда. Бевосита тамаки маҳсулотлари савдоси ҳақида фикр юритадиган бўлсак, шундай усуллардан фойдаланишга имкон қолмаганлигини таъкидлаш зарур. Чунки бизга сигарета етказиб берувчи асосий мамлакатлардан бири ҳисобланган Болгарияда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар содир бўлмоқда, шартномаларни бажаришга муносабат яхши эмас. Мамлакатимизда ҳам тамаки маҳсулотлари масаласида жуда танг аҳвол вужудга келди. Чунки Арманистон зилзиласи оқибатида Кировакандаги комбинат бузилиб кетганлиги сабабли Ереван тамаки фабрикасига хом ашё етказиб берилмаяпти. Бу ердан эса мамлакатдаги турдош корхоналарга фильтрлар ғоят кам жўнатилаётир. Тбилисидан юбориладиган ўроб қоғози таъминотида ҳам тез-тез узилишлар бўлиб турибди. Тошкент тамаки фабрикаси вакиллари билан учрашиб, тақчиллик сабаблари билан яқиндан қизиққанимизда ана шу ва бошқа муаммоларни айтишди. Вазият мураккаб бўлганидан кейин биз, савдо ходимлари аҳволни ўнглаш учун бирон чора кўришга имкон тополмаяпмиз.

Михаил Григорьевич билан суҳбатлашар эканмиз, марказий матбуот саҳифаларида кейинги пайтда эълон қилинган мақолалар ёдга тушди. Дарҳақиқат, тамаки маҳсулотлари масаласида мамлакатнинг кўпгина жойларида мушкул аҳвол юзага келган. Чунки корхоналардаги ускуналар фақат чет элники. Узоқ йиллар фойдаланиланганлиги сабабли уларнинг кўпчилигини созлаш, янгиларига алмаштириш зарур. Бунинг учун эса валюта керак. Нарх-наво белгилашдаги чалкашликлар сабабли бундай корхоналар кўрадиган фойданинг эса баракаси йўқ. Тошкент тамаки фабрикаси директори Михаил Львович Шапиронинг қуйидаги мулоҳазаларига эътибор беринг: «Бир қути сигарета тайёр бўлгунча 8,2 тийин сарфланади. Демак, унинг таннархи шунча. Улгуржи баҳоси 9 тийин. Савдо шохобчаларида чакана нархда — яъни 40 тийиндан сотилади. Фабрикамиз йилига 2,5—3 миллион сўм фойда кўрса-да, корхона ҳисобида жуда оз маблағ қолади. Шундай аҳволда ишлаб чиқаришни тараққий эттириш ҳақида гап бўлиши мумкинми?

Тармоқда шунга ўхшаш муаммолар кўп эканлигини эътироф этиш керак. Айни пайтда яқин-яқинларгача тамаки маҳсулотлари сероб бўлганлигини, бир ярим-икки йил ичида танг аҳволга тушиб қолинганлигини ўйлаган ҳар бир кишида кетма-кет саволлар туғилади. Минг-минглаб конструкторлар, олимларимиз бўла туриб сигарета ўрайдиган ва қадоқлайдиган ускуналар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришимиз мумкин эмасми? Қачонгача чет эл фирмаларига кўз тикиб туришимиз керак? Арманистондаги зилзила ва Кавказдаги миллатлараро низолар оқибатида фильтр жўнатиш муаммо бўлиб қолганлигини бир қадар тушуниш мумкин. Лекин «Прима», «Астра», «Полёт» сингари фильтрсиз сигареталар нега савдо шохобчаларида кўринмай қолди? Жумҳуриятимиздаги кашандаларнинг аксарияти ана шундайларини чекишади-ку! Тошкент тамаки фабрикаси мутасаддилари бу саволга ўров қоғози етишмаяпти, ускуналар эскириб кетган, дея жавоб беришади. Баҳона қидириш билан иш битмайди. Муаммони ҳал этиш учун имкониятларни ишга солиш, аҳволни ўнглаш йўлларини ахтариш зарур. Юқорида тилга олинган корхона Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитети тасарруфида. Бу йирик идора қарамоғида кўплаб конструкторлик бюролари, тажриба-механика заводлари ва бошқа бўлинмалар бор. Ускуналарни созлаш билан боғлиқ масалаларнинг анчагинасини шу ташкилотлар орқали ҳал этиш мумкин. Хуллас, одамларга сабабларни кўрсатиш, баҳоналар айтиш эмас, тайёр маҳсулот керак.

С. САЙДАЛИЕВ.

«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

Бир пиёла чой баҳона

Дам олиш саҳифаси

ИСТАК

Маданий ҳаёт

Яхши ният — кишининг йўлдоши. Муддаога етиш учун эса ниятнинг ўзи кифоя қилмайди. Эшонқули ота бийрон, қобилиятли қизи Ҳадичанинг маълумотли, зиёли инсон бўлиб етишишини истарди.

Чоржўй шаҳрининг фаол зиёлиларидан бири бўлган Эшонқули Жумаев 50-йилларнинг бошларида ноҳақ жабрланганлар қатори ғайри-қонуний равишда қамоққа олинди. Партия ўша фожиали йилларда бегуноҳ қатағон қилинганлар қатори Эшонқули отани ҳам сиёсий жиҳатдан оқлаб, озодликка чиқарди. Беш йилдан кўпроқ қамоқ азоб-уқубатларини бошидан кечирган ота оиласини Мирзачўлни ўзлаштириш билан Гулистон районига етаклади.

— Адолат тикланди, пок номим қайтарилди, шунга ҳам шукр. Мана сен ҳам ўнинчи синфни битирдинг, ким бўлишингдан қатъий назар, ҳалол ва пок йўлни тут, —деб насиҳат қилган эди ўшанда ота қизига.

Ҳадича Тошкент маданий-оқартув техникумининг кутубхонашунослик бўлимига кириб, ўқишни муваффақиятли тугатди. Китоб унинг яқин дўсти бўлиб қолди. Шунинг учун бутун меҳнат фаолиятини кутубхоначиликка, яъни зиё таратувчиликка бағишлади.

— Техникумни тугатгач, ўн йилдан кўпроқ Гулистон район кутубхонасида ишладим. 1967 йили турмуш ўртоғим Саидазим Эшқозқовни Сурхондарё вилоят суғурта бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинлашди. Начора, эр қаерда бўлса, хотин ҳам ўша ерда бўлиши керак. Етти йил Термиз шаҳрида китоб дўстларига хизмат қилдим. Саидазим ака Боёвут район молия бўлимига ишга ўтган вақти — 1974 йилдан буён Димитров посёлкасига жойлашган Усмон Юсупов номли 40-ўрта мактаб кутубхонасида мудира бўлиб ишлаяпман. Кутубхоначи — зиё таратувчи. Бу билан фахрланаман, —дейди Ҳадича опа ўзининг ҳаёт йўли ҳақида гапирар экан.

У ишлаётган мактаб кутубхонаси Боёвут районининг энг яхши зиё масканларидан. 8 мингдан ортиқ китобга, 630 нафардан зиёд ўқувчига эга. Асарлар жавонларга ҳарфлар бўйича тартиб билан териб қўйилган. Бу ерда китобхонлар конференциялари, турли хил адабий-бадиий кечалар тез-тез уюштириб турилади.

Дарвоқе, Ҳадича опа энг яхши ташкилотчи, маслаҳатчи аёллардан бири. Мактабда ва маҳалладаги байрамларга бош-қош бўлади. Меҳнатдаги ва жамоат ишларидаги хизматлари партия, совет, касаба уюшмаси, халқ таълими органлари томонидан бир неча бор муносиб тақдирланган.

Оила аъзолари яшайдиган хоналар ҳам тартибли. Алоҳида меҳмонхона, телевизор, радио, магнитофондан тортиб барча жиҳозлар жой-жойида. Ўй эгасининг орасталиги шундан ҳам билиниб турибди. Опа — катта хонадан соҳибаси, беш фарзанднинг онаси. Дилором Тошкент давлат медицина институтини битирган, Яккабоғ районида шифокор. Унинг умр йўлдоши Кенжа Саъдиев ҳам олий маълумотли врач. Ҳадича опанинг ўғли Эркин — шофёр. Қизи Ойдин эса она изидан борди. У ҳам Тошкент маданий-оқартув техникумини битириб, район кутубхонасида ишлаяпти. Шуҳрат Киров шаҳридаги педагогика институтида таҳсил олмоқда. Кенжа ўғли мактабда аълочи. Неваралари ҳам боғча ва мактабларда тарбияланишаяпти.

— Турмушимиз фаровон, ейиш-ичишдан камчилигимиз йўқ. Она сифатида истагим шундай: дунёда тинчлик, одамлар орасида меҳр-оқибат бўлсин, миллатлараро муносабатларни янада мустаҳкамлашимиз керак. Қайта қуриш, ошкоралик, демократияни баҳона қилиб, турли миллатлар орасига раҳна солаётган бузғунчи ғаламисларга қараши шафқатсиз кураш олиб боришимиз зарур. Акс ҳолда оқибати яхши бўлмайди, —дейди Ҳадича опа.

Ҳ. ЗИКРИЛЛАЕВ.

Калинин районидаги хўжаликлараро «Спутник» кашшофлар оромгоҳи ям-яшил дарахтзорлар бағрига жойлашган. Тунлар ухлаб ҳордиқ чиқарадиган шийпонлар, ошхона, ўйин майдончалари, суҳбатхоналар ҳамиша соя ва салқин. «Рассвет» совхози дам олувчиларга янги соғилган сут, гўшт, сабзавот, картошка, мева-чева етказиб бермоқда.

— Сўнгги йилларда лагеримиз шароити анча яхшиланди,— дейди унинг бошлиғи Саидвали Мирвалиев. — Спорт ўйинларидан ташқари кўпгина кўнгилочар машғулотлар ҳам ўтказилади. Болалар мусиқа, рақс, «Моҳир қўллар» тўгаракларида бажонидил қатнашадилар.

СУРАТЛАРДА: 3-отряд тарбиячиси Жамила Нуртоева дам олувчилар билан; оромгоҳ биринчилиги учун шахмат баҳси ўтаяпти; сузиш бўйича мусобақа.

И. ҚАЛАНДАРОВ олган суратлар.

Диққат: хайрли иш

САХОВАТИНГИЗГА МУҲТОЖМИЗ

Клубимиз 15 йилдан буён хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда. Улуғ Ватан уруши йилларида фашистлар вақтинча босиб олган ерлардан кўчирилган етим болаларнинг ота-она, қариндошларини топишда қизил изтопарлар ҳақиқий жасорат кўрсатишмоқда. Ўнлаб оилалар бу сермеҳнат, машаққатли қидирувлар натижасида 40—50 йилдан сўнг қариндош-уруғлари билан дийдор кўришдилар. Улар ҳақида Ўзбекистон ва Украина киночилари ҳужжатли фильмлар яратишди. Тошкент телевиденияси 20 га яқин кўрсатув берди.

Ўтган йиллар мобайнида юзлаб оилаларга Улуғ Ватан уруши жанггоҳларида ҳалок бўлиб, «Номаълум йўқолган» деган жангчиларимизнинг хоклари қўйилган жойлар аниқлаб берилди. Фарзандлар, қариндош-уруғлар бориб, улар қабрини зиёрат қилиб келишмоқда.

Кўплаб уруш ветеранлари мукофотга тақдим этилган, лекин турли сабабларга кўра топширилмай қолинган орден, медалларини олишда уларга ёрдам қилинди. Бир қатор полкдошларнинг учрашувлари ташкил этилди. Ҳар йили қидирув ишлари олиб борилаяпти.

Ишимиз серқирра. Клубимизнинг кенг миқёсда ҳаракат қилиши учун эса маблағимиз йўқ. Шу сабабли кўпгина қидирувларимиз охиригача етиб бормаяпти. Узоқ сафарларга чиқиш, архив ашёлари билан танишиш, фотосуратларга тушириш учун озмунча харажат керакми? Бунинг устига кўп марта айтишимизга қарамай, биномиз ҳали ҳам ремонт қилинмаган. Китоб жовонлари илма-тешик, стеллажлар йўқ. Ноёб ва қимматбаҳо ҳужжатлар, фотоархив материалларини қаерда сақлашни билмаймиз.

Урушдан қайтмаган кишисини кутаётган, бедарак кетган Ватан ҳимоячисининг хоки қаердалигини билишни истовчилар ҳозир ҳам бор. Шу сабабли биз, қизил изтопарлар қишлоқма-қишлоқ юриб уларни аниқлашимиз, топишимиз лозим. Бунинг учун клубимизда транспорт воситаси йўқ. Ҳатто кашшофлар ва ўқувчилар уйида ҳам бирорта машинага эга бўлиш қатор йиллардан буён орзулигича қолиб кетмоқда.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, шаҳар ижроия комитети Бутунитти фоқ «Қидирув» клубимиз учун Ғиждувон шаҳридаги 3584-жамғарма банкида 000164401 сонли ҳисоб счёти очишга розилик берди.

Клубимиз фаолияти савоб ишлардан иборат. Унга ўз моддий ёрдамини қўшмоқчи бўлган саховат эгаларига олдиндан миннатдорчилик билдирамиз.

Э. ЛАТИПОВ,
В. Порик номли Бутунитти фоқ «Қидирув» клуби раҳбари.

Билиб қўйган яхши

ОЛТИН ФАСЛ АРАФАСИДА

Серқуёш юритимизда август ойида об-ҳаво иссиқ бўлади. Куррамизнинг бошқа минтақаларида ҳам шундайми?

Шимолий ярим шардаги қуруқликлар табиати ўзгача. Евроосиёнинг шимоли ва шимоли-шарқи, Канада шимолидаги каттакатта ҳудудларда август охирида куз бошланади. Европа ва Осиёнинг мўътадил кенгликларида галла экинлари пишади. Украина ва Қозоғистонда, АҚШ шимолида, Канаданинг жануби ва жануби-ғарбий қисмида баҳори дон экинларининг ҳосилини ўриб-йиғишга киришилади. Ой охирида қайин дарахтида сариқ кокиллар пайдо бўлиб, жука, шумтол барглари лимон рангига киради, тоғ терагида қизғиш ва бинафшаранг япроқлар пайдо бўлади. Шимолий қутб атрофида йил бўйи муз билан қопланиб ётган арктик ҳавзада планктонларнинг «гуллаши» рўй беради. Бу ҳодиса уч-тўрт метр чуқурликдаги сувларнинг илиши туфайли содир бўлади.

Шимолий Муз океанида кема қатнайдиган йўллар муздан ҳоли бўлади, айни чоғда бу ерда ўсимликларнинг ўсиш даври ниҳоясига етади. Тундрада майда мевалар кўк, қизил, сариқ рангда пишади.

СССРнинг Шарқий Сибирь қисмида олтин куз. Бу ерда яшовчи ҳайвонлар қиш тараддудида бўлади. Масалан, олмахон озуқа тайёрлайди, ёнғоқ йиғиб, қўзиқорин қуритишга киришади. Осиёнинг марказий қисми — Саян ўлкасида ҳам август охирида куз фасли бошланади.

Ўрта денгиз соҳилларида иссиқлик бу даврга келиб бироз пасаяди. Пиреней ярим ороли янада кўркам бўлиб, ҳамма-ёқ кўм-кўк ўсимликлар билан қопланади. Испаниянинг Андалузия қисмидаги тоғ оралиқлари чаман бўлиб кетади. Корея, Хитой, Ҳиндихитой, Ҳиндистон, Мексикада, Жанубий Американинг шимолий қисмида ёмғирли мавсум давом этади. Дарёлар тўлиб тошади.

Патагонияда қор эриб, ўсимликлар қоплами пайдо бўлади. У Оловли Ер оролидагина қолади. Тоғли минтақаларда изғиринли қуруқ совуқ шамоллар эсиб туради. Амазонка ва Парана дарёлари оралиғида экваториал ёмғир ёғади. Африка жанубий, Конго ва Анголо оралиғида баҳорги ёғин бошланиб, яшил ўсимликлар кўкара бошлайди. Африканинг жанубий чеккаси, Австралиянинг барча ерида баҳорги қурғоқчилик. Наллар бар текислиги, Катта Австралия қўлтиғи соҳилларида қуруқ ва гўзал баҳор. Австралиянинг Альп тоғларида илиқ қиш мавсуми тугаб, баҳор сеп ёзади.

Т. МАҲМУДОВ,
табиатшунос.

Жарқўрғон районидаги «Коммунизм» жамоа хўжалиги меҳнатчилари ҳисобот-сайлов йиғилишида Улуғ Ватан уруши, меҳнат ветеранларига, қаровчисиз қолганларга тиббий ёрдам кўрсатувчи меҳр-шафқат ҳамширалари хизматини йўлга қўйишга қарор қилишган эди.

ҚАРИЯЛАРГА ХИЗМАТ

Бир хўжаликда 40 нафар Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, 52 нафар меҳнат ветерани, 20 нафар байналмилалчи жангчи ҳамда 14 нафар ёлғиз қария истиқомат қилар экан, ҳақиқатан ҳам бу одамларга алоҳида ғамхўрлик ва эътибор, меҳр ва шафқат кўрсатилиши керак. Уларнинг аксарияти Улуғ Ватан уруши жанггоҳларидан қайтгач, ўзларининг куч ва қувватларини хўжаликнинг юксалишига сарфлади. Абдукарим ота Тўхлиев шундай кишилардан бири. Сўнгги йилларда ветеранлар кенгашига раҳбарлик қилди. Кексалик-да, ҳозир саломатлиги заифлашган. Марказдаги врачлик амбулаториясига келиб, кўрининг кетиш учун ҳам кучқувват лозим. Ҳонадонларга биркитилган тиббий ҳамшира Зулфия Жўраева ҳар куни эрталаб отахоннинг аҳволидан хабар олади, шифокор ёрдами зарур бўлса, албатта уларга маълум қилади, дори-дармонларни ўз вақтида етказиб туради. Бугина эмас, отахоннинг хонасини тартибга келтиришда, баъзан чой ёки иссиқ овқат тайёрлашда ҳам кўмаклашади.

Фақат Зулфия эмас, Минор, Ленинград, Зартепа, Гулховуз, Социализм, Намуна, Қизилолма участкаларига биркитилган Ойрўшан Тўраева, Раъно Норбекова, Бибиражаб Мардаева, Ойдин Юнусова, Дилором Мамасоатованинг ҳам беминнат, меҳр-шафқат хизматидан ҳамма миннатдор.

— Биз тиббий хизмат кўрсатаётган олти қишлоқда 13 минг киши яшайди, — дейди врачлик амбулаторияси бош ҳакими Худойберди Нормўминов. — Еттита участкада еттита медицина пункти бор, ҳамшираларимиз алоҳида эътиборга муҳтож қариялар ҳузурида ҳар куни бўлиб, ҳолларидан хабар олиш имкониятига эга эмас эдилар. Колхозчилар жуда тўғри фикрга келишди. Биз олти нафар малакали тиббий ҳамширани ишга қабул қилдик. Уларга ойлик маошни жамоа хўжалиги тўлаётир. Уларнинг фаолиятларини назорат қилиб, фикримизни хўжалик раҳбарларига айтиб турамиз. Ҳозирча меҳр-шафқат ҳамширалари хизматидан барча кексаларимиз хурсанд. Улар ўзларига бўлиб берилган хонадонларда фақат кексаларга тиббий ёрдам кўрсатиш билан чекланмасдан, ёш болалар саломатлигини ҳам назорат қилишмоқда.

— Жуда савоб иш бўлди, — дейди Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, кекса коммунист Ашур ота Эгамбердиев. — Фақат ёшлигингда, куч-қувватинг борида, меҳнат қилиб турган пайтингда эмас, кексалигингда, лоақал бир пиёла чойингни қайнатиб ичишга мажолинг етмаган чоғда ҳам жамиятга керак эканлигингни ҳис этишнинг ўзи кексалар учун катта далда бўлар экан. Зулфия қизим ҳар куни эрталаб эшикдан кириб келганида, унинг: «Ассалому алайкум, бобо, яхши ётиб турдингизми?» — дейишининг ўзи кўнглимни тоғдек кўтаради. Ҳамширанинг келишини энди ўзимиз интизорлик билан кутамиз. Дори-дармонларимизни келтириб беради. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Қилич Имомов ҳозир оилада бир ўзи қолган. Унга осон тутиб бўлмайди. Демоқчиманки, биз— қарияларни сийлаётган хўжалик раҳбарлари, жамоа аҳли кам бўлишмасин, мартабалари ошаверсин.

Бундай илиқ сўзларни меҳнат ёки уруш ветеранлари истиқомат қилаётган ҳар бир хонадондан эшитиш мумкин. Уларга кўп нарса керак эмас. Озгина ғамхўрлик, эътибор ва мурувват кўрсатилса бас, ўзларини қуршдек енгил, дунёга қайта келгандек ҳис этадилар.

Б. КЕНЖАБОЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

МЕҲНАТГА ТАШАККУР

Бўз районидаги Карл Маркс номли колхозда узоқ йиллар сидқидилдан меҳнат қилган онахонларни пенсияга кузатиш маросими бўлди. Хўжаликда анъанага айланиб бораётган бу қувончли тадбирнинг сабабчилари оддий колхозчи оналар Илсияхон Дадабоева, Мўътабархон Тўрахонова, Адолатхон Низомова ҳалол, самарали меҳнатлари билан кўпчилик ҳурматга сазовор бўлишган.

Қизиқарли ўтган кеча сўнгида онахонларга колхоз бошқаруви ва касаба уюшмаси комитетининг совғалари, пул мукофотлари топширилди.

Т. ШЕРМАТОВ.

ФАРЗАНДЛАРИНГИЗГА ЎҚИБ БЕРИНГ

ЖЎЖАЛАРИМ

Тўқ-тўқлашиб дон ейди,
Берсам агар нон ейди.
Чопар доим изимдан,
Чиқмас асло изимидан.
Жажжигина жўжаларим,
Нимжонгина жўжаларим.
Бир-биридан чиройли,
Бўлган энди уч ойли.
Изма-из чопишади,
Излаб ризқ топишади.
Ола-оппоқ жўжаларим,
Апоқ-чапоқ жўжаларим.
Ҳовлимизда бир талай,
Йўқолмайди ҳар қалай.
Доим қараб тураман,
Орқасидан юраман.
Ўйнаб юрар жўжаларим,
Катта бўлар жўжаларим
Бири сариқ, бири оқ,
Гоҳ юради жуфтми-тоқ,
Гўё дейди: — Мени боқ,
Меҳри тортади ҳар чоқ.
Кўзи қисиқ жўжаларим,
Меҳри иссиқ жўжаларим.

ИККИ МУШУК

Бордир икки мушугим,
Сергак, чаққон, кучлиғим!
Иккиси ҳам қоп-қора.
Бири-биридан сара.
Бири сичқон пойлайди,
Бири доим ухлайди.
Бири ерда нон ейди,
У-чи томда мов дейди.
Тушунмайман ишига,
Бунақа қилмишига.
Лекин яхши кўраман,
Нон, овқат, сув бераман.
Чунки тутиб сичқонни,
Сақлаб қолади донни!

Асрор ҚИЛИЧЕВ.

НАЗМ ДАФТАРИДАН

ТАСОДИФ

Ҳаётнинг қонуни асли шунақа:
Тасодиф бизлардан олдинда юрар.
Баъзан қувонтириб, баъзан ўйлатиб,
Баъзан довдиратиб ақлингни юлар.

Тасодиф туфайли қай бир инсонлар
Буюк кашфиётлар яратгани бор.
Синчковроқ яшагин, «омадсиз» дўстим,
Ажабмас сенга ҳам омад бўлса ёр.

Бепарво бўлганда буюк Ньютон
Бандидан узилиб тушган олмага—
Ер тортиш қонунин қайдан билардик,
Қайданам учардик фазо қўйнига.

Хоҳ иста, истама—тасодиф бўлар,
Башорат қилолмас ҳеч ким ҳеч қачон!
Лоқайд бўлмагин-у, яхшиси, унга
Тайёр яшагин ва қилма пушаймон.

ТАҚДИР

Муғанний чол
ҳамон, азада,
Утса ҳам йили кампирнинг.

Садолари чиқмас чанг босган
Токчадаги эски танбурнинг.

Девордаги ҳарбий суратга
Нурсиз кўзларини қадайди.
Ёлғиз ўғил «қайтаман» деган,
Ҳанузгача уни алдайди

Хазон босган катта ҳовлида
Сукунатни бузар Олапар.
Чол гузардан зериниб қайтар,
Ва ғудраниб эшикни ёпар.

Кунлар ўтар... Катта даҳлизда
Қалдиргочнинг уяси битар,
Қўшиғини айтиб бўлган чол
Кампирининг ёнига кетар.

БИЛКИ

Мени қўрқитолмас ҳеч таъқиқларинг,
Чунки шеърият бор —суянган тоғим.
Балки насиб қилмас у ақиқ лабинг,
Балки шоирликка етмайди чоғим.

Лекин шеър битаман, ширин мисралар
Ичига беркитиб аччиқ сўзимни.
Йўқ деган тилингда, билки, қасдим бор,
Билки, яшаяпман алдаб ўзимни.

Шуҳрат АҲМЕДОВ,

СПОРТ ахбороти

ЯХШИ НИЯТ ҮЙИНЛАРИДА

Американинг Сиэтл шаҳрида ўтказилаётган иккинчи Яхши ният ўйинларида айниқса мамлакатимизнинг чарм қўлқоп усталари муваффақиятли қатнашдилар, десак муболаға бўлмайди. Зеро улардан тўққиз нафари ҳал қилувчи финалда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Финалчилар сафида республикамиз вакили — тошкентлик Артур Григоряннинг борлиги ҳам қувончлидир. Бу моҳир боксчимиз ярим финалда АҚШ вакили Ш. Мослини доғда қолдирди. Шунингдек, Анатолий Филиппов, Жамбулат Мутаев, Константин Цзю, Александр Банин, Исроил Акопкохян, Андрей Курнявка, Евгений Судаков ва Евгений Белоусовлар ҳам олтин медаллар учун кураш олиб борадилар.

Аёллар ўртасидаги (баскетбол) саралаш учрашувлари ниҳоясига етгач, совринли ўринлар учун баҳс юритадиган командалар аниқланди. Ярим финалда АҚШ — Болгария ва Бразилия — СССР терма командалари учрашадилар.

Мамлакатимиз эркин курашчилари финалда қутилганидек қатнаша олмадилар. Улар АҚШ терма командаси билан бўлган учрашувда имконияти бой бериб (13:17) қўйдилар.

ИККИНЧИ ДАВРА БОШЛАНДИ

Биринчи лигада жумҳуриятимиз шарафини ҳимоя қилаётган «Пахтакор» командаси футболчилари иккинчи давранинг илк учрашувини бугун Сухумида маҳаллий динамочилар билан ўтказадилар. Маълумки, «Пахтакор» ва «Кубань» (Краснодар) ўртасидаги биринчи давра матчи кечиктирилган эди. Куни кеча бу учрашув муддати аниқланди; командалар 7 сентябрда Тошкентда куч синашадилар.

Энди эътиборингизга командаларнинг ўйинлар жадвалида тутган мавқеини ҳавола этамиз:

	У	Т	О
«Спартак»	19	44-16	29
«Металлург»	19	20-8	26
«Динамо» Ст.	19	27-18	25
«Пахтакор»	18	34-22	24
«Локомотив» М.	18	23-12	23
«Шинник»	19	27-20	23
«Нистру»	19	23-24	21
«Ростсельмаш»	19	21-24	20
«Котайк»	19	18-17	20
«Нефтчи»	19	30-26	19
«Динамо» Сх.	17	10-12	18
«Факел»	19	20-23	17
«Қайрат»	19	21-24	17
«Геолог»	19	16-22	17
«Зенит»	19	20-23	15
«Таврия»	19	13-16	15
«Локомотив» Г.	19	16-26	14
«Тирас»	19	12-28	13
«Кузбасс»	18	9-21	9
«Кубань»	18	6-28	9

ҒОЛИБ АНИҚЛАНДИ

Рус шашкаси бўйича жумҳурият биринчилиги ниҳоясига етди. Унда айниқса тошкентлик Н. Мишчанский яхши ўйин кўрсатиб, мухлислар эътиборини қозонди. Николай самарқандлик Б. Симонян, андижонлик А. Тоштемиров ва ҳамшаҳри А. Кац билан бўлган учрашувларда дуранг натижага эришди. Бошқа барча ўйинларда ғалаба қозонди.

А. Кац иккинчи, Б. Симонян учинчи ўринни эгаллади.

БОШҚОТИРМА

БЎЙИГА: 1. Маҳорат эгаси. 2. Садоқатли. 3. Узаро беллашув. 4. Қоракуя. 7. Теварак. 8. Барно аёл. 10. Денгиз, баҳр. 14. Укинч. 15. Қўлда кўтариб юриладиган чироқ. 16. Анжом. 17. Ҳидли атир совуғи. 20. Рўзғор асбоби. 22. Далил, ҳужжат. 25. Ҳавонинг ер қатлами бўйлаб ҳаракати. 26. Характер. 27. Бобрнинг набираси. 28. Тоғда яшовчи ёввойи қўй. 29. Фаҳм, фаросат.

ЭНИГА: 5. Машҳур цирк устаси. 6. «Ўтган кунлар» романи қаҳрамонларидан бири. 9. Узум навн. 11. Қўшиқ. 12. Сувда, ботқоқликда ўсадиган узун поялн ўсимлик. 13. Бошқирдистондаги шаҳар. 15. Ўсимликлар дунёси. 17. Ишора. 18. Иордання пойтахти. 19. Саздо-сотиқ жойи. 21. Рост. 23. Кимёвий унсур. 24. Севги. 27. Денгиз йиртқич ҳайвони. 30. Ўзбек совет адиби. 31. Репродуктор. 32. Натижа, оқибат. 33. Табиат ҳодисаси.

Тузувчи: Фаёз ҒОФУРОВ.

ТҮРТИНЧИ ЮРАК

Америкалик 30 яшар Майкл Драммондниг сунъий юраги иккинчи марта жонлантирилди. Беш соатдан ортиқроқ давом этган ғаройиб бу жараён Тусон касалхонасида (Аризона штати) душанбадан сешанбага ўтар кечаси ўтказилди.

Драммондга «Жарвик-7» сунъий юрак биринчи марта 1985 йилда ўрнатилди. Сўнгра унга қон берувчи юрак кўчирилди. Майклнинг иши юришиб кетди. У ҳатто озиқ-овқат дўконида бошқарувчи ёрдамчиси бўлиб хизмат қилди.

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!

Яқин-яқинлардан Драммонд соғлиғи кескин ёмонлашиб, юракни кўчириб ўрнатиш бўйича иккинчи бор операция ўтказиш зарур бўлиб қолди. Бунинг учун узоқ муддат тайёргарлик кўриш лозим. Аммо ҳар дақиқа қадрли. Шу боис ҳакимлар бир неча бор синаб кўрилган усул — сунъий юракни вақтинча жонлантиришни лозим топдилар. Маълумотларга кўра, бемор аҳволи хавфли даражада бўлсада, аммо барқарорлашиб бормоқда.

124 СОАТ СУВ ОСТИДА

ХХРнинг шарқий соҳиллари яқинида юк кемаси билан тўқнашиш оқибатида сув остидан тупроқ ва балчиқ қазиб чиқарадиган сузиб юрувчи машина чўкиб кетди. Хитойлик қутқарувчилар ундаги денгизчини «асирлик»дан халос этишга муваффақ бўлдилар.

Фалокат рўй бергандан сўнг экипажнинг кўпгина аъзолари қутқарилиши билан ғоввослар чўкиб кетган кемани текшириш учун 23 метр чуқурликка тушдилар. Маълум бўлишича, унинг сув кирмайдиган хонасида кимдир бор экан. Қутқарувчилар юзага чиқармагунларича у сув остида ҳаммаси бўлиб 124 соат турди. Хитойлик ҳакимларнинг айтишларича, ана шундай ноқулай шароитларда беш кун туриш унинг ҳаётига ёмон таъсир кўрсатмаган. Денгизчининг соғлиғи қониқарли ҳолатда.

Экипажнинг ҳалигача тақдири номаълум яна беш аъзосини қидириш давом этмоқда.

ОЛТИ ЯШАР САЙЁҲ

Индонезиялик Линдри исмли олти яшар қизча Ява ороли бўйлаб 550 кун саёҳат қилиш учун йўлга чиқди. «Индонезиан обсервер» рўзномасида хабар қилинишича, қизалоқнинг нияти мамлакат билан яқиндан танишиш. У вояга етиб, стюардесса бўлганида ватанига юксакдан боқади.

Агар орзуси рўёбга чиқса, олисга саёҳат қилиш бўйича болалар рекордини янгилайди. Қизалоқ буни уч йил муқаддам ўрнатган эди. Ушанда у 512 километр йўл босганди. Қизча ҳозир кунига 20 километр юрмоқда. Линдри тажрибали сайёҳ бўлишига қарамай уни отаси кузатиб бораяпти.

Муҳаррир
А. Ғ. МУХТОРОВ.

Д. 1238. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.